O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2009** йил, **3** январь, шанба № **1** (2284). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, **3** января, **2009** год, № **1** (2284). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

**E-mail: vatan@rol.uz**

В розницу – цена договорная

БУНДАЙ УЛКАН ЮТУҚЛАР ШУ ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН, МИЛЛАТИ, ДИНИ ВА ЭЪТИҚОДИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ИНСОНЛАРНИНГ АЗМУ ШИЖОАТИ, УЛАРНИНГ ЎЗ КЕЛАЖАГИГА БЎЛГАН МУСТАҲКАМ ИШОНЧИ, ЮРТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ, МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА КЕЧАНИ КЕЧА, КУНДУЗНИ КУНДУЗ ДЕМАЙ ҚИЛГАН ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ НАТИЖАСИДИР.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги – 2009 йил билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

2008 йил ўз поёнига етиб бормоқда. Айтиш керакки, якунланаётган йил мамлакатимиз учун осон бўлмади. Йил давомида заҳматкаш деҳқонларимиз учун жиддий синов бўлган қаттиқ қурғоқчилик ва сув танқислигини, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ҳамда кундалик ҳаётимиздаги турли қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этдик.

2008 йилда вужудга келган ва тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли фаровонлигига хавф туғдирмаслик мақсадида ўтган давр мобайнида ўта зарур дастурларни амалга оширишга тўғри келди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2008 йил мобайнида иқтисодиётимизни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимиз ҳаёт даражасини юксалтириш йўлида салмоқли натижаларга эришдик.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиздан кам бўлмаганини, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори эса ўртача 2 баробар ортганини, қишлоқ аҳолисининг даромадлари сезиларли даражада кўпайганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёридан ошмагани, янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва модернизация қилиш ишларининг кўлами кенгайиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб бораётгани, албатта ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлаши табиийдир.

Ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришган марраларимизнинг асосий мезони ва омиллари ҳақида гапирганда, аввалambор қуйидаги масалалар хусусида сўз юритишни ўринли деб биламан.

**Биринчидан,** бундай улкан ютуқлар шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати натижасидир.

**Иккинчидан**, буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгилаш бўйича чуқур ўйланган ислоҳотлар сиёсатини изчил амалга ошириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик институтларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасидир.

**Учинчидан,** бундай натижалар – мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларимизга берилаётган катта эътибор, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган улкан ишларимизнинг ёрқин намоёни, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, Кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини ҳаётга жорий этиш, олий ўқув юртларини, янгитдан барпо этилган лицей ва коллежлар битирувчиларининг жамиятимизни янгилаш, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши учун мамлакатимизда янги имконият ва шароитлар туғдириб берди.

**Тўртинчидан,** бизнинг тараққиёт йўлида олдинга юришимизнинг асосий таянчини шунда кўриш керакки – ҳаётимизнинг ўзгариб бориши билан инсон ўзгармоқда, одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгариб, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, фуқаролик онги ва масъулияти кучайиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз ватандошларимга мавжуд муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтиш борасида кўрсатган ғайрат-шижоатингиз, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини таъминлашдаги фидокорона меҳнатингиз учун чин қалбимдан самимий ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Мана шундай шукуҳли дамларда, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз кириб келаётган янги – 2009 йилда ҳаётимиз бугунгидан ҳам яхшироқ бўлишини, ўз қобилият ва имкониятларимизнинг янада тўлиқ рўёбга чиқишини, барча эзгу орзу-умидларимиз амалга ошишини ният қиламиз.

Бугун, 2009 йил остонасида туриб, янги йил Ўзбекистон учун мамлакатни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш, бошлаган ислоҳот ва ўзгаришларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш йили, молиявий инқирозга қарши самарали дастурларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини ошириб бориш йили бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Биз 2009 йилни юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилдик. Шу борада ўз олдимизга қўйган асосий мақсадлар – аввало қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ва янгилаш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини мустаҳкамлаш, мухтасар айтганда, қишлоқларимизда турмуш ва маданият даражасини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган 2009 йилда амалга оширишни кўзда тутилаётган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида **қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади,** деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир, десак, ўйлайманки, халқимизнинг фикру зикрини ифода этган бўламиз.

Айнан ана шундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳисобидан биз пировард натижада юртимизнинг янада гўзал қиёфа касб этиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалиши, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли ва мустаҳкам пойдевор яратишга эришамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги – 2009 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



*Янги йилда янги ютуқлар билан!*

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

## ҲАР ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Келажакка пешвоз турган остона бу,
Орзуларинг рўёб этар кошона бу,
Ҳақиқатга айлангуси афсона бу,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизларим.

Заминга оқ тилакларин йўллар само,
Келинчакдек оқ либосда боқар дунё,
Янги йилнинг бешиклари кутар даҳо,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизларим.

Йил қувончин кутар элим эрк тахтида,
Дилга сиғар тинч оройиш бор бахтида,
Ўғлонлари метин қоя сарҳадида,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизларим.

Безатилган арчалардан нур таралар,
Янгроқ қўшиқ оҳанглари кўк ўралар,
Янги йилдан сирли-сирли бахт сўралар,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизларим.

Янги йилнинг ҳар қадами қутлуғ келсин,
Толе кулган Она юртга улуғ келсин,
Ҳар синовда қўли баланд бир туғ келсин,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизларим.

**Зулфия ЮНУСОВА.**



2 ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА — СОЛДАТЫ ОСВАИВАЮТ ОРУЖИЕ



3 ЖАРАЁН — ПОСБОН МАҲОРАТИ – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ГАРОВИ



8 ОИЛА ГУЛШАНИ — ЧИН БАХТ ЭГАЛАРИ



22 СПОРТ — БАЗА ДЛЯ ВЫСОКИХ РЕЗУЛЬТАТОВ

# ТРАДИЦИИ

Идет боевая учеба

## СОЛДАТЫ ОСВАИВАЮТ ОРУЖИЕ

**Солдаты срочной службы в эти дни с полной самоотдачей несут службу, чтобы с отличными оценками в боевой учебе встретить 17-ю годовщину Вооруженных Сил.**

В подразделении под командованием офицера Шавката Арзикулова занятия по боевой учебе в полном разгаре. Направлены они на то, чтобы на контрольной проверке солдаты срочной службы достойно выглядели на всех испытаниях.

— Мечтаю остаться здесь на службу по контракту, — заявляет рядовой Зохид Зульфиев, призванный из Паркентского района Ташкентской области. — Знаю, мне будет очень трудно заслужить это право, ведь надо получить на проверке только отличные оценки. Но верю в помощь своих командиров, которые с вниманием отнеслись к моему решению стать профессиональным военным.

А вот рядовой Шерзод Хамдамов из Чартакского района Наманганской области мечтает поступить в Юридический институт. Но и для него отличные оценки на проверке являются очень важным в службе стимулом. Ведь от результатов сдачи контрольной проверки в первую очередь зависит заслужит ли он право получить Рекомендацию на льготное поступление в вузы страны. Конечно, там будут учтены и баллы, набранные в ходе тестирования. Но к самим тестам будут допущены только отличники боевой и общественно-политической подготовки, не имеющие нарушений воинской дисциплины.

Казалось, для воинов подразделения, обслуживающего окружной полигон, не должно быть проблем с выходом на боевые стрельбы. Ан нет, требование об обязательной подготовке на тренажерном комплексе актуально и для них.

— Мне очень нравится стрелять на тренажере, — делится своими впечатлениями рядовой Шерзод Уралов, прибывший из Алатского района Бухарской области. — Перед принятием Военной присяги мы тоже потренировались на нем, а потом довольно неплохо выполнили упражнение учебных стрельб из автомата на огневом городке. Сержанты нам объясняли подробно все характерные ошибки при прицеливании, изготовке к стрельбе, поиске цели, помогли по ходу устранить недостатки.

Солдаты срочной службы с большой охотой занимаются на тренажерном комплексе, где вновь ведут огонь из всех видов стрелкового оружия: автомата, пистолета, гранатомета. Звуковое сопровождение, подсветка мишеней, даже реальная тяжесть боевого оружия — все это только способствует высокой активности обучения.

— В связи с принятием Указа Президента Республики Узбекистан от 20 ноября 2008 года «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан» нам предстоит в сжатые сроки осваивать учебную программу, — говорит рядовой Собир Миравазов из Бостанлыкского района Ташкентской области. — Однако это отнюдь не беспокоит нас, мы готовы с повышенной самоотдачей нести службу, активно заниматься боевой учебой. Ведь боевая готовность наших Вооруженных Сил должна оставаться на высоком уровне, и мы приложим все силы для ее обеспечения.

Отрадно, что молодые люди, совсем недавно вставшие в воинский строй, успели проникнуться важностью выполняемой ими миссии по защите Родины. Очевидно, в этом есть заслуга и офицеров органов воспитательной работы во главе с майором Мамарасулом Маматкуловым, которые сумели предельно мобилизовать молодых людей на успешную воинскую службу. Верится, что весной эти воины сумеют добиться высоких результатов, порадуют своих командиров.

**Майор Шопулат ТУРДИЕВ.**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



Вести из подразделений

## ВЕРНЫЙ ГЛАЗ ЖАХОНГИРА

— Именно за отличное владение оружием уважают сослуживцы рядового Жахонгира Мавлянова. На занятиях по огневой подготовке рядовой по контракту Ж. Мавлянов стабильно показывает отличные результаты, поражая все мишени с первого выстрела. Ведь Жахонгир-снайпер не только по штатной должности, но и по своей сути.

— Меткий стрелок, действительно способный поразить любую мишень, — так отозвался о своем подчиненном командир группы старший лейтенант Умар Кудратов.

В воинских коллективах наших Вооруженных Сил обучению снайперов, которые оказывают значительное влияние на исход боя, традиционно уделяется самое пристальное внимание. Для обучения этой военной специальности отбирают физически крепких и выносливых солдат, с острым зрением и слухом, отличной памятью и быстрой реакцией. Всеми этими качествами сполна обладает рядовой Ж. Мавлянов.

Искусство меткого выстрела дается не каждому. Чтобы стать снайпером, Жахонгир прошел специальную подготовку. Без этого он, как специалист, просто не смог бы состояться.

— Обычно при стрельбе из автомата очередями, — говорит в беседе рядовой Ж. Мавлянов, — для удержания оружия в соответствующем положении необходимо прикладывать значительные усилия. Стрельба одиночными выстрелами не требует сильного напряжения мышц, поскольку это может вызывать колебания винтовки, что, в свою очередь, приведет к промаху.

Не мало таких секретов меткого выстрела усвоил снайпер, неустанно занимаясь день за днем в ходе тренировок на компьютерных тренажерах и непосредственно на стрельбищах. Впоследствии новые высоты мастерства открылись перед рядовым Ж. Мавляновым. Его командиры неоднократно приводили его в пример, призывали поделиться с коллегами всеми тонкостями выполнения упражнений стрельб, при которых вырабатывается наилучшая устойчивость оружия...

Вот так рядовой Ж. Мавлянов стал отличным снайпером. Теперь свою основную задачу воин видит в том, чтобы накопленный опыт передать новичкам, которые недавно влились в коллектив.

**Капитан Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвар».**

# ЖАРАЁН

Қишки ўқув мавсуми машғулотларида

## ПОСБОН МАҲОРАТИ – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ГАРОВИ

**Маълумки, дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳорати, билимининг янада шаклланишида, ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Айни кунларда қай бир қисмда бўлманг, ҳарбий хизматчилар билан жанговар тайёргарлик бўйича олиб борилаётган машғулотларга гувоҳ бўласиз.**







... Катта лейтенант Хайрулло Каримов гуруҳига қисм қўмондонлиги томонидан жанговар топшириқ қўйилди. Бунга кўра, гуруҳ муайян ҳудудда ҳаракат қилаётган шартли душманни қидириб топиши ва пистирма қўйиши ҳамда ҳужум уюштириб, уни яксон қилиши лозим. Ўқув машғулотларида ҳар томонлама тобланиб, чиниққан посбонлар учун ушбу вазифани бажариш унчалик мураккаб эмас. Командир одатдагидек гуруҳни йиғиб, қўйилган топшириқ бўйича қисқача маълумот берди. Посбонларни ўз вазифаларига қараб бўлинмаларга ажратди ва ким қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтирди. Харитадан шартли душман жойлашиши мумкин бўлган ҳудудларни аниқлаб, белги қўйди. Биринчи навбатда қидирувни ташкиллаштириб, шартли душман ўрнашган жойни топиш лозим ва атрофга пистирма қўйиш керак. Гуруҳ командири қўл остидаги посбонлар билан қоронғи тушгандан сўнг ҳаракат қилишга қарор қилди.

Эрта тонг. Гуруҳ посбонлари оппоқ қор билан қопланган тоғ дараси бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Ҳар бир посбон маскировкага жиддий эътибор бериб, кўзга ташланмасликка ҳаракат қилишиб, йўналишда давом этишмоқда. Шу пайт гуруҳ мергани кичик сержант Адил Рисқулов алоқа воситаси орқали командирга шартли душман жойлашган ҳудудни кўраётгани ва уларнинг неча кишидан иборат эканлиги ҳақида ахборот берди. Командир буйруғи асосида зудлик билан шартли душман ҳаракат қилиши кутилаётган йўлга пистирма қўйилди. Шунингдек, гуруҳ муҳандислари кичик сержантлар Иқбол Камолов ва Медеу Тошмуҳаммедовлар белгиланган вазифани бажаришга киришдилар. Асосий жанговар позицияни пулемётчи кичик сержант Ҳаёт Болтаев ва гуруҳ автоматчилари эгаллашди. Шартли душман йўналиши бўйлаб ҳаракатни давом эттирмоқда. Гуруҳ командири уларнинг миналаштирилган ҳудудга киришини кутиб, кейин ҳужум уюштиришга қарор қилди. Шартли душман биринчи портлашнинг ўзиданоқ саросимага тушиб, турли томонга югура бошлади. Лекин жанговар позицияни эгаллаб турган посбонлар уларнинг барча йўлларини тўсиб, ҳужумга ўтишди. Гуруҳ юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифани аъло даражада уддалади.

– Бу каби дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳоратининг ошишида, уларнинг жисмонан чиниқишида катта ўрин тутади, – дейди офицер Х.Каримов. – Шу боисдан жанговар тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратиб, ҳар бир посбоннинг ютуғини сафдошларига намуна қилиб, камчилигини тузатиб борамиз. Ушбу машғулотларни талаб даражасида ўтказишимда менга сержант Толиб Сиддиқов яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Дарҳақиқат, сержантлар тайёрлаш мактабининг икки босқичини ҳам имтиёзли тугатган сержант Т.Сиддиқов асл профессионаллардан. У гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида самарали фаолият кўрсатиб, посбонларга соҳа илмини ўргатмоқда.

– Ҳарбийлик касби ҳаётим мазмунига айланган, – дейди кичик командир. – Мана бир неча йиллардан буён шартнома асосида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб келаяпман. Бу касбни эгаллаганимдан, доимо фахрланиб келаман. Сержантлар тайёрлаш мактабида устоз офицерлардан олган пухта сабоқларим хизматим давомида жуда асқотмоқда. Гуруҳ посбонларига ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарликлар бўйича зарур билимларни беришга, улар маҳоратининг янада юксалишига ҳисса қўшиб келяпман.

Шу боис гуруҳимиз ҳамиша илғорлар сафида. Қишки мавсум ўқув машғулотларида ҳам фаол қатнашиб, юқори қўмондонлик ишончини оқлаб, ўз билим ва маҳоратимизни намоён қилиб, яна илғорлар сафидан жой олиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Гуруҳда ўз касбининг устаси бўлган посбонлар талайгина. Шуларда бири кичик сержант И.Камоловдир. У нафақат жанговар тайёргарлик машқларида, балки ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарликда ҳам фаол, хусусан, жисмоний тайёргарликда эришган ютуқлари сабабли «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Офицер Хайрулло Каримовнинг гуруҳи ўтган ўқув йили якунларига кўра, қисмда «Энг илғор гуруҳ» дея эътироф этилиши ҳам бежизга эмас. Жамоадаги ўзаро дўстлик, жипслик ва ҳамжиҳатлик ҳамиша уларни илғорликка етаклайди. Бунда гуруҳ посбонларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Сержант Шавкат Ғаниев, кичик сержантлар – Фарҳод Бекчанов, Шамсиддин Турсунов, Нуриддин Мўйиддинов, Хушбек Шодиёров каби профессионаллар жанговар шайликка улкан ҳисса қўшишиб, илғорлик сари одимлаётган посбонлардан.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
**суратга олган.**

В управлениях по делам обороны

## ИДЕТ ОТБОР ПРИЗЫВНИКОВ



**В Указе Президента Республики Узбекистан от 20 ноября 2008 года «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан» поставлены четкие задачи органам военного управления на местах. Побывав в Управлении по делам обороны Джизакской области, мы поинтересовались ходом работы в данном направлении.**

– Были проведены несколько селекторных совещаний с участием хокима области и привлечением хокимов районов, начальников районных отделов по делам обороны, – говорит офицер Ойбек Марaимов. – Ведь в Указе поставлена задача: проводить призыв в ряды Вооруженных Сил в феврале-марте, а это потребует особого акцента на тепле в помещениях, где будут проходить медицинские осмотры, четком решении других вопросов.

В области уже побывали члены правительственной комиссии. Данной рабочей группой была изучена обстановка на местах, даны соответствующие рекомендации. В ходе подготовительной работы уже отработаны нормативные документы, а с 15 декабря проходит тестирование призывников совместно с Государственным центром тестирования.

В этой ответственной работе в лучшую сторону выделяются Джизакский и Фаришский РОДО, где оперативно и четко устраняются все выявленные недостатки.

Не так давно капитан Абдурахмон Намозов проводил в Пахтакорском промышленном колледже тестирование по определению интеллектуального уровня призывников этого района и личностного адаптационного потенциала (ЛАП).

– Мы разъясняем кандидатам на прохождение срочной службы основные критерии отбора, – говорит он. – Их четыре: образовательный и интеллектуальный уровни, ЛАП и физическая подготовка.

Наряду с этим, Управлением по делам обороны ведется большая работа по разъяснению положений Указа Президента Республики Узбекистан от 20 ноября 2008 года «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан». Задействуются все возможности для этого.

– Незадолго до этого была проведена встреча с родителями будущих воинов в Дустликском районе, где наши сотрудники также давали подробные комментарии к данному документу большой государственной важности, – говорит капитан А. Намозов. – Жители с удовлетворением восприняли решение о проведении призыва в ряды Вооруженных Сил один раз в год.

Выше уже говорилось о том, что особое внимание было уделено вопросам благоустройства призывных пунктов, где кандидаты на призыв будут проходить медицинский осмотр. В этом направлении также ведется большая работа. Это позволит провести призывную кампанию четко по намеченному графику.

При отборе будущих воинов учитываются многие факторы, начиная от здоровья и образовательного уровня до семейного положения и характеристик местных органов самоуправления. Воины наших Вооруженных Сил должны отвечать всем необходимым требованиям, чтобы с высокой степенью надежности обеспечивать оборонную мощь нашей Родины.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**

На снимках: **идет отбор призывников.**
Фото **капитана**
**Абдурахмона НАМОЗОВА.**

# ҚУТЛУҒ

## ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ ЮКСАК

**Марказий ҳарбий округида ҳам Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва катта тантана билан ўтказишга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Жумладан, округ тасарруфидаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларда бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказиб келинаяпти.**

Ана шундай тадбирлардан бири офицер Баҳодир Абдуваҳобов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб ўтди. Унда округ қўмондонлиги масъул офицерлари билан биргаликда шаҳар ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси Малика Камолова, шаҳар маънавият тарғибот маркази бўлим бошлиғи Нодира Қурбонова, вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими бошлиғи Ҳусниддин Дониёровлар иштирок этиб, ҳарбий қисм шахсий таркибига Президентимизнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» ва «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб бердилар.

Шунингдек, айни кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Ватан ҳимоячилари кунини катта тантана билан ўтказишга тайёргарликлар олиб борилаётганини ва бундан мақсад ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда уларда мардлар касби бўлган ҳарбийликка қизиқиш уйғотиш эканлиги таъкидланди.

– Ўтказилаётган бу каби маънавий-маърифий тадбирларнинг ёшларимиз камолотида тарбиявий аҳамияти катта, – дейди офицер Воҳиджон Деҳқонов. – Бир томондан бу каби оммавий тадбирлар чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга қизиқтиришда муҳим тарғибот-ташвиқот вазифасини ўтаса, иккинчидан эгниларига ҳарбий либос кийиб, шарафли соҳани танлаган ҳарбийларимизда ўз касби билан фахрланиш ҳисларини уйғотади. Улар доимо эътибор ва ишонч марказида эканликларини чуқур англайдилар ва масъулиятли бурчларини яна ҳам сифатли, ғайрат билан адо этишга киришади. Бундан эса Ватанимиз мудофаа салоҳияти янада ошади.

Тадбирда шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар, ҳарбий хизматчиларга хизматни мукаммал ўташлари борасида яратилаётган қулайликлар, чақирув масалаларига доир янгиликлар ва бунинг афзалликлари ҳақида ҳам қатор маълумотлар берилди.

**Майор Шавкат ҲОШИМОВ.**

## С ПРАЗДНИЧНЫМ НАСТРОЕМ

**В частях и подразделениях Ташкентского военного округа развернулась широкая работа по проведению мероприятий, посвященных Дню защитников Родины. Накануне всенародного праздника проходят встречи ветеранов Вооруженных Сил и представителей общественности с военнослужащими, Дни открытых дверей для допризывной молодежи.**

Большую организаторскую работу непосредственно в частях и подразделениях проводят офицеры Бахтиер Чориев, Ашурахмат Кадыров, Рисбек Шамбетов и многие другие. Для солдат срочной службы, офицеров, сержантов и членов их семей запланированы встречи с командованиями частей и учреждений, беседы на актуальные темы, проведение встреч команд КВН, посещение столичных театров, музеев.

Активное участие в мероприятиях Центрального Дома офицеров и Центрального музея Вооруженных Сил принимают подчиненные майора Рахимжона Равшанова и капитана Акмалжона Ошикова.

Примечательно, что в последние годы заметно выросли активность и инициатива со стороны сержантского состава. Сержанты Шокир Шукуров, Уткир Хайдаров не только служат примером в выполнении своих служебных обязанностей, но и принимают участие в общественной жизни подразделения. Немало хороших слов командиры говорят и о сержанте Нодире Абдусаломове и младшем сержанте Хамидулло Асанове, являющихся хорошим примером для всего личного состава своих воинских коллективов.

В каждом военном городке, в каждой воинской части и учреждении сегодня праздничный настрой на добрые дела и активную жизненную позицию. Немало способствуют этому и предновогодние Указы Президента, пронизанные заботой о каждом гражданине нашей страны.

Однако ни новогодние семейные торжества, ни всенародный подъем накануне Дня защитников Родины не ослабляют бдительности и боеготовности военнослужащих округа. Командиры и офицеры-воспитатели особое внимание уделяют работе с военнослужащими, несущими службу в наряде и на дежурстве.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**

## ПЛОДОТВОРНАЯ СОВМЕСТНАЯ РАБОТА

**В частях и подразделениях Вооруженных Сил с большим воодушевлением проводятся мероприятия, посвященные предстоящему празднованию Дня защитников Родины.**

В хокимияте Кашкадарьинской области состоялось собрание руководящего состава области и представителей командования округа и воинских частей, посвященное организованному проведению всех намеченных мероприятий по достойному празднованию 17-летия Вооруженных Сил Республики Узбекистан. По итогам мероприятия был согласован план совместной работы в данном направлении.

Органами воспитательной работы всех воинских частей и учреждений проводится разноплановая разъяснительная работа по достойной встрече Дня защитников Родины, повышению бдительности и боевой выучки в частях и подразделениях.

**Подполковник Олимжон КУЧКАРОВ.**

## НАФОСАТ ЭГАЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида Нукус гарнизони офицерлар уйида аёл ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари, юрт посбонларининг турмуш ўртоқлари иштирокида танлов ўтказилди.**

Округ қўмондонлиги, «Камолот» ЁИҲ бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбирда «Орзулар ушалсин», «Қайсар қизлар», «Қор парчалари» ва «Госпиталь жавоҳирлари» номли жамоалар ҳозиржавоблик ва топқирлик бобидаги маҳоратларини намойиш этдилар. Таништирув, дубляж ва эркин мавзу каби шартлар бўйича жамоаларнинг чиқишлари ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

– Тадбир менга жуда ёқди, – дейди «Қайсар қизлар» жамоаси вакили кичик сержант Света Утеева. – Хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган бундай беллашувларнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти катта. Жамоамиз билан ҳар бир шартга пухта ҳозирлик кўрган эдик. Натижа кўнгилдагидек – биринчи ўрин.

– Жамоадошларим билан ғалабага эришиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Назаримда, бизга бир оз омад етишмади, – дейди мусобақа якунига кўра, иккинчи ўринга лойиқ топилган «Орзулар ушалсин» жамоаси аъзоси Мунаввар Қобулова.

Мусобақа сўнгида барча иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

* * *

**Гарнизон офицерлар уйида «Ҳарбийлар – бизнинг фахримиз, ғуруримиз» номли концерт дастури намойиш этилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси уюштирган тадбирда Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзолари қатнашдилар. Чиройли тарзда кечган концерт давомида томошабинлар Қорақалпоғистон Республикаси халқ артистлари Гулҳадича Айимбетова ва Гулнора Мункеевалар, «Айкулаш» ансамблининг дилхуш кую қўшиқларидан баҳраманд бўлдилар. Айтиш мумкинки, санъат шинавандалари учун бу – юрт ҳимоячиларининг касб байрами олдидан ўзига хос туҳфа бўлди.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**

## НЕЗАБЫВАЕМЫЙ ВИЗИТ

**Считанные дни остаются до Дня защитников Родины. Повсеместно проводятся мероприятия в рамках чествования этого всенародного праздника.**

На днях рядовые Шакир Урмонов, Ильхом Шакиров, Гияс Дададжанов и другие их сослуживцы заблаговременно готовились к встрече гостей. Сделали все, чтобы с первых минут произвести неизгладимое впечатление на школьников одной из местных школ.

...При встрече командир подразделения довел до школьников план ознакомления с воинской частью, жизнью и бытом, службой воинского коллектива.

Подчиненные старшего лейтенанта Ш. Сухробова продемонстрировали юным гостям навыки владения приемами рукопашного боя, строевые приемы с оружием и без него.

Рядовой Азиз Ташходжаев ознакомил ребят с современными радиостанциями.

Много интересного узнали гости и от рядового Содика Жавлонова, который рассказал о тактико-технических характеристиках автомата, произвел его разборку и сборку.

– Много интересного и впечатляющего сегодня я и мои одноклассники увидели, здесь, – говорит ученик 6-го класса Убайдулла Норматов. – В воинской части я впервые. В ходе общения с солдатами и офицерами узнал много интересного о службе в армии. Например, о воинских традициях, распорядке дня, формах обращения между военнослужащими, воинском приветствии.

– Действительно, – подключился к разговору ученик 7-го класса Носиржон Валиев, – наше знакомство с частью происходило в очень дружелюбной и теплой обстановке. Сам лично держал сегодня впервые автомат. Солдат Содик-ака помог мне его разобрать и собрать, сказав, что для первого раза у меня все отлично получилось. В будущем я обязательно тоже буду солдатом.

В завершении ознакомительной встречи личный состав подразделения старшего лейтенанта Ш. Сухробова прошел торжественным маршем с песней, приветствовав таким образом юных гостей части.

...По традиции армейского гостеприимства школьников пригласили отведать солдатской кухни. Машхурда на первое и плов на второе солдатского меню пришлись всем по вкусу.

**Капитан Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

# САНА

## ВАТАНПАРВАРЛИК – БУЮК ЯРАТУВЧАН КУЧ



Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси инсонда Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини шакллантиришдан иборатдир. Бу табиий, чунки ўз Ватанини англаш ва унга муҳаббат бўлган жойда Ватан ҳисси юзага келади. У қалбимизда, онгимизда доимо яшайди ва дунёқарашимиз, менталитетимиз, бутун борлиғимизнинг ажралмас қисмига айланади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа вазифаларни ҳам ҳал қилиши кўзда тутилган, яъни: фуқароларимизда ўз ҳарбий бурчини бажаришга шайлик, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга масъуллик ҳиссини тарбиялаш, уларда юксак маънавий-жанговар ва руҳий сифатларни, Қуролли Кучларга, ҳарбий хизматчининг шаъни ва қадр-қимматига эҳтиром, ўз мустақил Ватани билан фахрланиш, буюк аждодлар ўгитларига содиқлик ҳамда халқ ва унинг Қуролли Кучлари жанговар анъаналарини асраш ва кўпайтириб боришга шайлик ҳисларини шакллантиришга хизмат қилишдан иборат.

Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик – бу мавҳум тушунчалар эмас. Ватанпарварлик шахснинг фуқаролик бурчини, унинг қадрдон юртга муносабатини, халқ иши ва ташвишларига алоқадорлигини белгилаб берувчи мустаҳкам асосга, пойдеворга эгадир. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида: «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги – бу катта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир», деган эди.

Кўриб турганимиздек, ватанпарварлик таъсирчан, яратувчан, жипслаштирувчи кучга эга. Ватанпарварлик – шахснинг маънавий камолотини белгилаб берувчи ички негиздир. Шу сабабдан ҳам келажаги буюк давлат қуришда ёшларимизнинг ватанпарварлик тарбияси алоҳида аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари ҳам ёшлар тарбияси, уларга эътибор ва ғамхўрлик ҳақида доим таъкидлайдилар. Бунинг натижаси сифатида 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши, унинг асосий ғояси – ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини, уларнинг замонавий билимлар ва касб-ҳунарларга эга бўлишларини таъминлаш, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши туришга ҳамда жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга қодир бўлган янги кадрларни шакллантиришдан иборат эканлиги ҳам бежиз эмас.

Устивор аҳамиятга эга бўлган бу ишда Мудофаа вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Маданий-маърифий тадбирларнинг Ватан ҳимоячилари куни олдидан ўтказилиши, Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллигига тайёргарлик даври билан тўғри келиб қолгани ҳам рамзий маънога эга. Қуролли Кучлар олдида турган кенг миқёсли, катта ҳажмли ва масъулиятли вазифалар уларни сифатли ҳал қилиш ва Қуролли Кучларнинг мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги уюшқоқлиги, тезкорлиги ва ишончлилигини янада ошириш учун барча куч ва имкониятларни жалб қилишни талаб этмоқда.

Жанговар ўқув ва қўшинларнинг жанговар шайлиги сифатини оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири тарбиявий, маънавий-ахлоқий омил бўлиб, маданий-маърифий тадбирларда бунга катта эътибор бериш зарур. Ушбу масъулиятли вазифани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мурожаат қилиш зарур. Унда Юртбошимиз Мудофаа вазирлигидан «муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик чақируви резерви хизматчиларини жисмоний ва маънавий камол топтиришга, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш руҳига асосланган мукаммал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини янада оширишни «таъминлаш»ни талаб қилади.

Мазкур Фармонда гап муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ҳақида бормоқда. Аммо, биринчидан, уни анча кенг маънода тушунишимиз лозим, чунки давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифалар ҳарбий ислоҳотнинг энг муҳим масалаларига бевосита алоқадор демак, улар барча ҳарбий хизматчилар учун тегишли. Иккинчидан, тарбия жараёни узлуксиз характерга эга, унга боғлиқ вазифалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсатмаларни қалбимизга сингдирган ва чуқур англаган ҳолда, биз командирлар, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар, барча офицерлар ва сержантлардан тарбиявий ишларнинг янада самарали ва янада таъсирчан бўлишини, барча тарбия услубларини шакллантиришни ва аввало шахсий таркибнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлигига янада масъулиятли муносабатда бўлишни кутишимиз керак. Бу ижтимоий-сиёсий тайёргарлик келажаги буюк давлат ҳамда ҳарбий ислоҳотлар ва унинг кейинги муваффақиятлари ташкил этиши керак. Тарбиячи офицер, сержантнинг ҳар бир сўзи янгиланиш ва тараққиёт, келажаги буюк давлат қурилиши йўлида бизнинг ишончли компасимизга айланган мустақиллик ғояларига қатъий ишонч билан йўғрилган бўлиши лозим.

Командирларимиз, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ихтиёрида турли шакл ва услублар, компьютер ва ахборот технологиялари, бой тарихимиз ва буюк аждодларимиз мероси бор. Бу жуда муҳим. Биз ўз тарихий илдизларимизни, ким эканлигимизни, инсоният тараққиётига, маданиятига катта ҳисса қўшганимизни, бугунги кунда қандай ютуқларга эришганимизни доимо ёдда тутишимиз зарур. Ватанимиз тарихи қадрдон табиатимиз, заминимиз бойликлари сингари инсонларга маънавий таъсир кўрсатиш борасида чексиз имкониятларга эга. Улар – ёшларни тарбиялаш, шахс сифатида шакллантиришнинг қудратли воситасидир. Шунинг учун ҳам кўп асрлик тарихимизга, буюк аждодларимиз меросига, ота-боболаримиз кўрсатган қаҳрамонликларга, замондошларимиз – ривожланган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат қурувчиларининг мардонавор ишларига, Ватанимиз шони ва шарафини дунё майдонларида ишонч билан ҳимоя қилиб келаётган ёшларимиз кўрсатаётган қаҳрамонликларга кўпроқ мурожаат қилиш жуда муҳимдир.

Ҳарбий ислоҳотлар талабларини изчил амалга ошириш йилларида ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбиямиз сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. У ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий онгида, ҳарбий хизматга, ўз

**ДУНЁҚАРАШ, ЭЪТИҚОД ИШЛАРИМИЗ ВА ФИКРЛАРИМИЗНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ АСОСИЙ КУЧДИР. БУНДАН ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ ЎЗ БУРЧИНИ ФИДОКОРОНА, БУТУН КУЧ-ҚУВВАТ ВА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН БАЖАРИШГА ИЧКИ ЭҲТИЁЖ ПАЙДО БЎЛАДИ.**

тишга ҳақлимиз. Ахборот ва компьютер технологиялари имкониятларидан, педагогик ишланмалар ва янгиликлардан кенг ва оқилона фойдаланиш, ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия масалаларини чуқур тушуниш ва ёндошиш, қўшинлар ҳаётида ҳарбий ислоҳотлар натижасида юзага келган янги жараёнлар ва кўринишларни изчил англаш ва умумлаштириб бориш лозим. Бугунги кунда жамиятнинг юксак маънавий-ахлоқий салоҳияти ва буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамиятга эга. Биз ҳар бир ҳарбий хизматчи ахлоқининг асоси унинг дунёқараши, мустақиллик ишининг ҳақлигига бўлган ишончи эканлигидан келиб чиқмоғимиз зарур. Чунки, дунёқараш, эътиқод ишларимиз ва фикрларимизни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Бундан Ватан ва халқ олдидаги ўз бурчини фидокорона, бутун куч-қувват ва масъулият билан бажаришга ички эҳтиёж пайдо бўлади. Шу сабабли бугун, ушбу тадбирлар давомида ва кейин ҳам биз барча ўқув жараёни ва тарбиянинг турли шакллари чуқур мазмун-моҳиятга эга бўлишига интилишимиз лозим. Унинг асосини Президентимиз асарлари, маърузалари, чиқишлари, ҳарбий хизматчилар билан учрашувлари материаллари, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги ва ҳуқуқий, демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қурилишидаги мажбуриятлари, ҳарбий бурчларига бўлган муносабатларида ёрқин намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси – истиқлол, халқнинг маънавий бойлиги, унинг тарихи, кўп асрлик маданиятига бўлган юксак эътибор туфайлидир.

Қуролли Кучларимиз офицерлари, сержант ва аскарлари – ўз халқи, мустақил Ватаннинг чин ўғлонларидир. Улар муқаддас юртимизнинг шонли тарихи,азиз Ўзбекистонимизнинг бугунги эришаётган ютуқ ва муваффақиятлари, дунё ҳамжамиятида ошиб бораётган обрўси билан чексиз фахрланадилар. Ўз ватанпарварлик бурчларига, Ватан, халқ ва Президентимизга содиқлар. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, фуқароларимиз фаровонлиги, мусаффо осмонимиз учун ўзларининг юксак масъулиятларини чуқур ҳис қиладилар. Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати кундан-кунга мустаҳкамланиб бориши, посбонларимизнинг ҳар қандай босқинчи кучларга муносиб зарба беришга тайёр бўлиш учун жанговар шайлиги юксалиб бориши оддий аскардан тортиб то генералгача – ҳар биримизга боғлиқ. Ҳушёр ва сергак, доимо жанговар шай ҳолатда бўлиш – бизнинг юксак ватанпарварлик бурчимиздир.

**Анфим ХЛИЗОВ.**
**Сурат архивдан олинган.**

# БАЙРАМ ШУКУҲИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## ТАНТАНАГА ТАЙЁРГАРЛИКЛАР ҚИЗҒИН

**Марказий офицерлар саройида Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.**





Анжуманда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов Ватан ҳимоячилари кунини катта тантана билан ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилаётгани ва унинг замирида ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек устувор мақсад ётишини айтиб ўтди. Шунингдек, бу борада ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш ҳамда чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга қизиқтиришда муҳим тарғибот-ташвиқот вазифасини ўташи, мутасадди ташкилотлар бунга алоҳида эътибор қаратиши зарурлигига тўхталди ҳамда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, соҳанинг турли бўғинларида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар хусусида батафсил маълумотлар берди.

Тантанага тайёргарликлар доирасида бугун олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳамда қисм ва бўлинмаларда, шунингдек, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий таълим даргоҳларида Президентимиз асарлари кенг ўрганилиб, «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи ва «Юксак маънавият – енгилмас куч» каби китобларининг мазмун-моҳияти чуқур тушунтирилмоқда. Ёшларимизни муддатли ҳарбий хизматга чақирув тадбирларига ўзгартириш киритилганининг афзалликлари, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган имтиёзлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилмоқда. Бу ўз навбатида ёшларимизда мардлар касбига нисбатан қизиқиш ва иштиёқ ортишига, ҳарбий хизматнинг нуфузи, обрўси янада юксалишига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Анжуман давомида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида кўрсатув, эшиттириш, мақола ва бошқа материаллар тайёрлаш бўйича ижодкорларга Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов ва Мудофаа вазирлиги матбуот котибияти бошлиғи полковник Раҳимжон Нурназаровлар томонидан бир қатор тавсиялар берилди.

Маълумки, ҳарбий соҳада жисмоний тайёргарликнинг ўрни жуда катта аҳамият касб этади. Шу боис ҳарбий хизматчилардан спорт билан мунтазам шуғулланиш талаб этилади. Мамлакатимиз терма жамоаларининг асосий қисмини ҳарбий спортчилар ташкил этиши, уларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юксак поғоналарни забт этиб, байроғимизни баланд кўтариб, юрт шаънини оламга ёяётгани армияда жисмоний тарбияга, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган устувор мақсад мевасидир.

Анжуманда Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби бошлиғи подполковник Р.Ҳамидов бу ҳақда гапираркан, «Вакилларимиз ўтган йили ҳарбий спортчилар орасида жаҳон рейтингида еттинчи ўринда эди, бу йил эса бирданига икки поғона олдинга ҳатлашга муваффақ бўлдик. Яъни ўзбекистонлик ҳарбий спортчилар 2008 йил натижаларига кўра дунё ҳарбий спортчилари рўйхатининг бешинчи ўрнини банд этишди. Мақсадимиз, янаам юқорироқ натижаларни қайд этиш», – деди у.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

## ВАТАНПАРВАР АВЛОД – ЭРТАМИЗ ИШОНЧИ

**Шу кунларда Президентимизнинг тегишли фармойишига мувофиқ барча ҳарбий қисм, бўлинмалар, олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда янги 2009 йилдаги илк муҳим сана – Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган Тошкент меҳмонхона хўжалик коллежида ҳам туман ҳокимияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, мудофаа ишлари бўлими ва маҳалла оқсоқоллари ҳамкорлигида тадбир ўтказилди.**

Унда ёш авлодга профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз ва мардлар касби бўлган шарафли ҳарбий хизмат, унинг эр йигит камолга етишида тутган ўрни, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган имтиёзлар, хизмат қилиш туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имкониятлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича коллеж директори ўринбосари Н. Чоршанбиев тадбирда сўзга чиқиб, иштирокчиларга Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» ва «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарлари моҳияти борасида тушунчалар берди.

Бугунги кунда миллий армиямизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар, олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда чақирув масалаларига киритилган янгиланишларнинг мазмун-моҳияти ва афзалликлари ҳақида туман мудофаа ишлари бўлими ходими капитан А. Бозоров ва Қуролли Кучлар хизматчиси Ҳ.Мирсултоновлар гапириб ўтдилар. Шунингдек, ёшларнинг ҳарбий соҳага оид кўплаб саволларига жавоблар ҳам қайтарилди.

– Ватан ҳимоячилари кунини кенг кўламда нишонлашга тайёргарлик кўриш режалари доирасида ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади, – дейди «Дўстлик» маҳалласи раиси Х.Отамуҳаммедов. – Бу борада уларга ўз касбининг усталари бўлган ва хизматда юксак натижаларга эришган ҳарбий хизматчилар, уларнинг қаҳрамонликлари, жасорату матонатлари ҳақида кўпроқ маълумот бериш, учрашувлар ўтказиш ва илғорлар тажрибасини оммалаштириш ўсиб келаётган навқирон авлодни эзгу ғоялар билан қуроллантиради. Бу билан элу юртига фидойи инсонлар камол топади. Миллат эртаси айнан шундай баркамол авлод қўлидадир.

**Дилшод ҲАКИМОВ.**

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН ОГОҲЛИК

**Фавқулодда вазиятлар вазирлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.**

Дастлаб иштирокчилар эътиборига вазирликнинг иш фаолияти, машғулотлар олиб бориш, бошқа давлатлардаги ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари, ўтказилган мусобақалар ва амалга оширилган тадбирлар лавҳалари акс эттирилган фильм намойиш этилди.

Шундан сўнг соҳа масъул ходимлари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бу борада кўзда тутилган чора-тадбирлар, содир бўлганда улардан ҳимояланиш йўллари ҳамда оқибатларини бартараф этиш усуллари, мавжуд барча куч ва воситаларнинг мувофиқлаштирилиши кабилар хусусида фикрлар билдиришди. Шунингдек, журналистлар томонидан берилган кўплаб саволларга жавоблар ҳам қайтарилди.

**Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.**

Дилдаги гаплар

## ОРЗУЛАРГА ҲАМОҲАНГ УСТУВОР МАҚСАД

**Она Ватан – бу муқаддас диёр, инсон туғилиб ўсган азиз гўша... Бежизга Ватанни онага қиёсламаймиз. Чунки бу ёруғ оламда она каби Ватан ҳам яккаю ягона, асло қиёси йўқдир.**

Бу ҳақда ўйлаганимда ўз она тупроғим, унинг кўркам табиати, шаҳар ва қишлоқлари бир-бир кўз олдимдан ўтади ва юртимга бўлган меҳр-муҳаббатим яна-да ортади. Шу юрт келажаги, осойишталиги, унда истиқомат қилаётган меҳри дарё, бағри кенг ва бунёдкор халқим учун хизмат қилаётганим кўнглимга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди. Масъулиятли бурчимни ўз вақтида ва сифатли уддалашга киришаман ҳамда ғайрат-шижоатим тобора ортаётганини сезаман.

Менда бу ҳислар болалик чоғларимдаёқ уйғонган эди. Унинг таъсирида кўнглимда Ватанга хизмат қилишдек эзгу мақсад пайдо бўлди ва мени ҳарбийлар сафига отлантирди. Мана, бугун ўз вазифамни Қуролли Кучларимиз сафида офицер сифатида бажариб келаяпман. Давлатимиз раҳбарияти томонидан биз ҳарбий хизматчиларга ғамхўрлик кўрсатилиб, хизматни муваффақиятли олиб боришимиз ва ижтимоий ҳимояланишимиз борасида шарт-шароитларнинг яхшиланишига доимо эътибор қаратиб келинмоқда. Биз эса бунга муносиб хизматларимиз билан жавоб қайтаришимиз, билдирилган ишончни оқлашимиз керак.

Ҳадемай Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаймиз. Таъкидлаш зарурки, бу айём нафақат ҳарбийларники, балки бутун халқимизнинг байрамидир. Мен ҳам истиқлол байроғи баралла ҳилпираётган она Ватанимнинг янада гуллаб-яшнаши, дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан жой олишини истайман ва бунинг учун бор куч-ғайратим билан ҳаракат қиламан.

**Капитан Яшин МАМАЖОНОВ,**
**Шимоли-ғарбий ҳарбий округи.**

# YOSHLAR

Tavsiyanoma — muhim imtiyoz

# ILM OL, HUNAR O'RGAN...

**Ilmli el ichra aziz, deydi xalqimiz. Darhaqiqat, ilmli, hunarli inson hech qachon xor bo'lmaydi, aksincha mudom izzat-ikromda bo'ladi. Ilm egallash esa o'z-o'zidan bo'lmaydi, albatta. U har bir kishidan muayyan layoqat va qobiliyatni talab qiladi.**

Maqolamiz qahramoni Zarif Chorshayev ham ilm sirlarini o'rganishga, xalqimizning boy ma'naviy merosini tadqiq etishga bel bog'lagan yosh mutaxassislardan. Bugungi kunda O'zbekiston Milliy universiteti filologiya fakulteti magistraturasining 2-kursida tahsil olayotgan yigit ustozi filologiya fanlari doktori Ulug'bek Dolimov rahbarligida «Sadoyi Farg'ona» gazetasida adabiyot materiallari» mavzusi ustida ilmiy izlanishlar olib bormoqda.

— Shogirdimdan juda mamnunman, — deydi taniqli adabiyotshunos olim U. Dolimov. — Ilmga tashna, qat'iyatli, zamonamiz yoshlariga o'rnak bo'la oladigan talabalardan. Muhimi, adabiyotga, millat tarixini o'rganishga chin ko'ngildan mehr qo'ygan. Busiz mashaqqatli, shuning barobarida, sharafli ilm yo'lida aytarli muvaffaqiyatga erishib bo'lmaydi.

Ustoz ta'kidlab o'tganlaridek, ilm yo'lini tanlamoq turli mashaqqat va sinovlarga sabot bilan bardosh berish, oldinda uchraydigan har turli to'siqlarni yengib o'tishdan iborat. Axir yangilik qilishning, tarix, adabiyotning hali hech kimga ma'lum bo'lmagan qirralarini ochishning, uni elga tanitishning o'zi bo'ladimi?! Shuning uchun ham donolar ilm olishni igna bilan quduq qazishga o'xshatishadi-da.

«Adabiyot — millat oynasi», — degan edi milliy uyg'onish (jadid) adabiyotining vakili Abdulla Avloniy. Zotan, millat taraqqiyotida til va adabiyotning o'rni beqiyos. Shuningdek, u millatga ta'sir o'tkazishning, elni ma'naviy tanazzulga tushishdan saqlash va uyg'oqlikka chaqirishning muhim vositasi hamdir. Buni yaxshi anglagan ota-bobolarimiz hamisha adabiyotga, bobolar merosiga hamnafas yashashga intilib kelganlar.

Mustabid tuzum davrida o'rganish taqiqlangan jadid adabiyoti mustaqillik sabab qayta ko'z ochdi, zulmatdan yorug'likka chiqdi. Va avlodlar bildilarki, elimizning jo'mard farzandlari, Vatanning buyuk fidoyilari milliy ozodlik, istiqlolga erishish yo'lida jonlarini xatarga qo'yib kurashgan, xalqimizni manqurtlik balosidan qutqarish maqsadida jonbozlik ko'rsatgan ekanlar. Buni o'sha davrda chop etilgan, bugunga kelib esa o'tmishning bir bo'lagiga aylanib ulgurgan kitoblar, varaqalar, nashrlar orqali bilmoqdamiz. Bularning yuzaga chiqishida olimlar, ustoz-pedagoglarning zahmatli mehnatlari bilan bir qatorda qahramonimiz singari yosh, umidli tadqiqotchilarning hissasi katta bo'lmoqda.

— Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti tariximizning eng og'riqli, kam tadqiq etilgan, hali ochilmagan sir-sinoatlari juda ko'p bo'lgan davri hisoblanadi, — deydi fakultet dekani, filologiya fanlari doktori, professor Nurboy Jabborov. — Adabiyotshunosligimizda yangi bo'lgan bu yo'nalishga professor Begali Qosimov tamal toshini qo'ygan va respublikada birinchi bo'lib fakultetimizda shu nomdagi kafedraga asos solgan edi. Ajdodlarimiz, xususan, ma'rifatparvar o'zbek ziyolilari, adabiyot namoyondalarining istiqlolga erishish yo'lida olib borgan mardonavor kurashlari, jasoratlari to'g'risidagi qator yangiliklarga mana shu kafedra beshik bo'ldi, desam yanglishmayman. Shu ma'noda magistr Z. Chorshayevning olib borayotgan ilmiy izlanishlari va qo'lga kiritayotgan yutuqlariga tengdoshlari havas qilishsa arziydi.

Intiluvchan yigitning ilmga, adabiyotga mehr qo'yishida uzoq yillardan buyon Surxondaryo viloyati Muzrabot tumanidagi 4-o'rta maktabda o'quvchilarga saboq berib kelayotgan otasi Tog'aymurod Chorshayevning xizmatlari ko'p bo'lgan.

— Uyimizda otam tomonidan bunyod etilgan mo'jazgina, ammo boy kutubxona bo'lardi, — deydi Z. Chorshayev. — Bolaligim ana shu ma'naviyat sarchashmalariga oshno bo'lib o'tgan. Mana o'sha durdonalar Navoiyning «Hamsa»si, Hofizning «Devon»i, arablarning mashhur «Ming bir kecha»si... Ularning ichida menga eng suyukli si Abdulla Qodiriyning bitta kitobga jamlangan «O'tgan kunlar» va «Mehrobdan chayon» asarlari edi. Ba'zan tunlarni tonglarga ulab bu kitoblarni qayta va qayta mutolaa qilganman. Har safar o'qiy boshlaganimda ulardan yangicha ma'no, mazmun topaverardim. Balki filolog bo'lishni ixtiyor etishim va aynan Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyotini o'rganishga ahd qilishimda bolalikda olgan o'sha ilk tassurotlarim sabab bo'lgandir...

O'rta maktabning 11 sinfini tamomlagach, maqsadini amalga oshirish niyatida oliy o'quv yurtiga hujjat topshirgan o'g'lonning omadi chopmadi. Ammo bu narsa qat'iyatli yigitning orzulariga soya tashlay olmadi. U Vatan oldidagi yigitlik burchini o'tashga yo'l oladi.

Armiyadagi jismoniy, ijtimoiy-siyosiy va jangovar tayyorgarlik mashg'ulotlarida obdon toblanadi, chiniqadi. Haqiqiy er yigit bo'lib shakllandi. Bolaligidan to'ylarda uyushtiriladigan kurash bahslarida ishtirok etib, sovrinlarni qo'lga kiritib yurgan yigitning sportga begona emasligi muddatli harbiy xizmat mobaynida juda qo'l keladi. Qism miqyosida o'tkazilgan ko'plab kurash va yengil atletika musobaqalarida o'zini ko'rsatdi. Shuning barobarida ofitser A. Hudoyberdiyev, kichik serjant A. Suvonovlardan harb ilmi sirlarini puxta o'zlashtirishga harakat qiladi. Bularning samarasi o'laroq birinchilar safida eng bilimli, ilg'or va sara posbonlarga beriladigan tavsiyanomaga ega bo'ladi. Bu hujjat Zarifning ko'p yillik orzulari ushalishida muhim axamiyat kasb etdi. Nihoyat, test sinovlaridan muvaffaqiyatli o'tib, talaba degan nomga sazovor bo'ladi.



Bugungi kunda turli tarixiy, ilmiy, adabiy va davriy nashr manbalari yordamida magistrlik dissertatsiyasini tayyorlayotgan qahramonimizning maqsadlari ulkan. U ustozlari — U.Dolimov, N.Jabborov, B.Karimov, U.Jo'raqulov, Sh.Xurramovlar singari o'z sohasining ustasi, malakali mutaxassisi bo'lib etishib, yosh avlodga saboq berish niyatida. Qat'iyat va izlanuvchanlikni o'ziga odat qilgan, harbiy xizmatda chiniqqan yigitning orzulari ushalishiga aminmiz.

**Jamshid NIYOZOV.**

**Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.**

# MARDLAR KASBINI TANLADI

**Bu yigit bilan Toshkent viloyat mudofaa ishlari bo'limida uchrashgandik. Kelishgan, mag'rur, qarashlari lochinsifat... Bo'lib o'tgan qisqagina suhbat asnosida uning dunyoqarashi boy, bilimli va salohiyatli yoshlardan ekaniga amin bo'lgan, uning keyingi taqdiri bilan ham qiziqishni ko'nglimga tukkan edim. Buni qarangki, armiyaga tantanali kuzatuv marosimida, chaqiriluvchilar orasidan bu yigit ham joy olganiga guvoh bo'ldim. Demak, barcha sinovlardan muvaffaqiyatli o'tib, bugun barcha yigitlarning orzusiga aylanib ulgurgan muddatli harbiy xizmatni o'tash baxtiga muyassar bo'libdi-da, deya xursand bo'lgandim.**

Dilmurod oilada to'rtinchi farzand, yagona o'g'il. Shu uchunmi, ota-onasi uni juda yaxshi ko'rishadi. Bolaligidan mehnat bilan hamnafaslikda ulg'aygan yigit kishining oiladagi o'rni qanday bo'lishi kerakligi, ota-onasi va xalqi undan nimalarni kutishini yaxshi biladi. Bu ham bo'lsa, ota-onaning, mahalla-ko'yning ta'siri, tarbiyasi, namunasidan.

Oila boshlig'i Qurbonali Nabiyev — hunarmand-binokor.

— Elning koriga yarashdan, uning og'irini yengil qilishdan huzurliroq ish bor ekanmi, dunyoda. Axir mehnatingiz evaziga kimningdir mushkulini oson qilasiz, kimdir yangi turar joyga ega bo'ladi. Aytingchi, shunday bo'lgach, kasbimdan, hunarimdan men faxrlanmay, kim faxrlansin.

Ha, halol mehnat, peshona teri bilan topilgan luqmani yedirib, katta qilgani uchun ham farzandlar mo'min-qobil, el-yurt havas qiladigan insonlar bo'lib kamol topishdi. Ota-ona ana shunisiga xursand.

Dilmurod O'rta Chirchiq tumanidagi 43-maktabda tahsil olgan. Maktabda o'qib yurgan kezlari uning eng sevimli fani «Chaqiriqqacha boshlang'ich tayyorgarlik» darsi bo'lgan. Sinfga hammadan oldin kelib, fan o'qituvchisi Shuhrat Murodovni intiq kutib o'tirar edi. Tabiiyki, dars mobaynida eng ko'p savol beradigan ham, berilgan vazifalarni ortig'i bilan bajarib kelgan ham u bo'lardi. Kim biladi deysiz, undagi ana shu qiziqish va intilishni ko'rib, ustozi bejiz «Sen kelgusida, albatta, harbiy bo'lasan, Vatanimizning sarhadlarini mardonavor himoya qilasan. Men bunga ishonaman», demagandir.

Qahramonimizning sharafli sohaga mehr qo'yishiga, egniga harbiy libos kiyishga intilishiga o'qituvchisidan tashqari qarindoshlari — Bahodir Qahhorov, Halimjon Erkaboyev, do'stlari — Davron Abdiyev, Shoxrux Davlatov, Sharof Pardayevlarning ta'siri ham katta bo'lgan. Ularning muddatli harbiy xizmatni yorug' yuz bilan o'tab kelgach, erishayotgan muvaffaqiyatlarini ko'rib, qalbidagi azaliy orzu kuchaygandan kuchaydi.

Uning hayot maktabida toblanayotgani, harb ilmi sir-asrorlarini o'zlashtirayotganiga ham, mana, ikki oydan oshdi. Intiluvchan o'g'lon bu qisqa vaqt mobaynida ko'p narsani o'rgandi, jangovar va jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarida chiniqyapti. Bu yerda posbonlarga qanaqa imkoniyatlar yaratilgani, davlatimiz tomonidan Vatan himoyachilariga nechog'li e'tibor va g'amxo'rlik ko'rsatilayotganiga yaqindan guvoh bo'lgan qahramonimizning ko'nglida yangi orzular, maqsadlar «bo'y» ko'rsatdi. Ya'ni muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o'tab bo'lgandan so'ng Qurolli Kuchlarimiz safida shartnoma asosida xizmatga qolishni diliga tugib qo'ydi.

Hali oldinda ko'p vaqt bor esa-da, qahramonimiz fursatni qo'ldan bermay, izlanishga, bilimlarini boyitishga, harb ilmi sirlarini puxta egallashga qat'iy bel bog'lagan. Bu borada unga armiyadagi ustoz-ofitserlar va serjantlar yaqindan yordam berayotganini alohida ta'kidlab o'tish joiz. Intiluvchan, maqsadlari ezgu bu yigitga orzulari ijobat bo'lishini tilab qolamiz.

**Mansur SOBIRQULOV.**

Dil izhori

# FAXRIM, SAODATIM

Milliy armiya bu — milliy g'urur, milliy iftixor demak. Yurt tinchligi, chegaralar daxlsizligi, insonlar xotirjamligi aynan armiya saflarida xizmat qilayotgan sharafli kasb sohiblarining mashaqqatli va mas'uliyatli mehnatlari mahsulidir.

Men ham milliy armiyamiz bilan g'ururlanaman. Bu nafaqat mening Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilayotganim, balki el-yurt tinchligini asrashdek muqaddas ishga bel bog'lagan yurtimning zabardast o'g'lonlari, shunqorlari — Vatan himoyachilari bilan yelkama-yelka bo'lganim tufayli hamdir.

Bugungi kunda professional asosda shakllanayotgan armiyamizda askarlar, ofitserlar, shuningdek, shartnoma asosida xizmat qiluvchi harbiy xizmatchilarga, ularning kasb sirlarini mukammal o'zlashtirish, sohaga doir yangiliklardan muntazam boxabar bo'lib borishi uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Bular biz harbiylarga — Vatan posbonlariga qaratilayotgan yuksak e'tibor, ko'rsatilayotgan ulkan g'amxo'rlik namunasi, deb bilamiz.

Yaqinda Samarqand oliy harbiy avtomobil qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti qoshidagi malaka oshirish fakulteti tayyorlov kursida o'z bilim va ko'nikmalarimni oshirib qaytdim. Zamon talablari asosida jihozlangan, zarur o'quv va amaliy qurollar bilan to'la ta'minlangan kafedra va darsxonalarda bilimlarimizni boyitdik. Bu borada bizga o'qituvchi ofitserlar T.Mahmudov, D.Yusupov, Qurolli Kuchlar xizmatchisi M.Boboyevlarning yordami katta bo'ldi.

O'ylaymanki, bu olgan bilim va ko'nikmalarimiz kelgusida kasbimizning ustasi bo'lib shakllanishimizda ancha qo'l keladi.

**Jasur RO'ZIQULOV,**

**Shartnoma bo'yicha xizmat oddiy askari.**

# ОИЛА ГУЛШАНИ

## ЧИН БАХТ ЭГАЛАРИ

**Шогирд донишманд устоздан сўради:**

**– Устоз, кимни ҳаётда чин бахт топган инсон дейиш мумкин?**

**– Оиласида ҳаловат, меҳру муҳаббат ва ўзаро ҳурмат ҳукмрон бўлган кишини.**

**– Оилада бундай шароитнинг қўним топмоғи нималарга боғлиқ?**

**– Албатта, оила соҳибасининг фозила ва фаросатли бўлмоқлиги, борига қаноат қилинмоғи, эр-хотиннинг ҳар бири зиммаларидаги вазифани юрак амри ила адо этмоғи ва ҳалол меҳнат орқали топиладиган луқмага.**

Оила – муқаддас гулшан. Азалдан Шарқда оилани қадрлаб, ардоқлаб, эъзозлаб келинади. Чунки шахс камолотида бу масканнинг ўрни беқиёсдир.

Оила – булоқларнинг боши ва инсон учун биринчи ватандир, – дейди таниқли шоира Турсуной Содиқова. – Ватанпарварлик, инсонпарварлик фазллари, асосан, оилада шаклланади. Кишининг бахтли ёки бахтсиз аталиши ҳам унинг оиладаги аҳволотига қараб белгиланади.

Офицер Ихлос Юлдашев оиласи билан танишар эканмиз, шу фикрлар хаёлдан кечди. Бугунги кунда Сержантлар тайёрлаш мактабида цикл бошлиғи сифатида фаолият юритиб келаётган қаҳрамонимизнинг шарафли соҳани танлаши ва эгнига ҳарбий либос кийишида падари бузрукворининг таъсири катта бўлган. Ўғли мактабни аъло баҳоларга битириб, ҳарбий лицейда ўқишга аҳд қилганда, ундан сўнг эса юртимиздаги нуфузли Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга киришини, умрини ҳарбий соҳа билан боғламоқчилигини айтганда кўнгли тоғдек юксалганди.



Ана шуларни дилдан англаған Ихлос билим юртида ҳам илғорлар сафида бўлди. Доимо ўқиди, изланди, соҳага оид билимларни мукаммал ўзлаштиришга интилди. Сабоқдошларига ҳар жабҳада намуна бўлишга, ҳарб илми ва қўмондонлик сирларини қунт билан эгаллашга, бўш вақтларида спорт билан жиддий шуғулланишга ҳаракат қилди. Буларнинг натижаси ўлароқ билим юрти раҳбарларининг, устоз офицерларнинг назарига тушди, ҳурматини қозонди. Мустақиллик йилларида билим юртининг илк қалдирғочларидан бўлган, уни аъло баҳолар ва имтиёзли диплом билан тамомлаган Ихлос Юлдашев ўзида шарафли касб соҳиби учун зарур бўлган барча сифатлар: интилувчанлик, қатъият ва кенг фикрлаш кабиларни қарор топтириб улгурган эди.

Офицерлик мақомига сазовор бўлгач, қаҳрамонимиз ўз фаолиятини артиллериячилар қисмида гуруҳ командири сифатида бошлади. Илк кунларданоқ ёш офицер бор ғайратини гуруҳида қатъий интизомни қарор топтиришга, соҳага доир билимларни посбонларга қунт билан ўргатишга ҳаракат қилди. Билим юртида олган билимлари, ўзлаштирган кўникмаларини ҳаётга фаол татбиқ этиш, янгича анъаналарни жорий этиш, посбонларнинг ҳам жанговар, жисмоний, ҳам маънавий-руҳий тайёргарлигини юксак савияда олиб боришга эътибор қаратди.

***

Ҳар гал маҳалладаги тўйларга борганда, онасининг кўнгли ширин энтикар, тезроқ ўғлини уйлантиргиси, катта тўй қилиб, элга дастурхон ёзгиси, невара исига тўйгиси келаверарди. Тўйдан қайтгач, неча йиллардан бери йиққан-терганини тўплаб келаётган сандиғини очарди-да, ўғлининг тўйига атаган бисотларини қайта-қайта кўздан кечирарди. Хаёллари ширин орзулар мамлакатига олиб кетарди.

Ниҳоят, онанинг орзуси амалга ошадиган бўлди. Ихлос худди кўнглидагидек қиз билан ҳаётини боғлашга аҳд қилган эди. Тўй қилдилар, гулдай қиз хонадонларига келин бўлиб тушди.

Тасодифни қарангки, икки қайнонанинг ҳам исмлари бир хил – Гулсара. Бу ҳам яхшилик белгиси бўлган назаримизда. Гулларнинг, қизларнинг сараси деган маънони берадиган бу исм соҳибалари оналарнинг ҳам яктоси эсалар не ажаб?! Бирлари Алпомишдай арслонкелбат, жасур, эл корига камарбаста паҳлавонни вояга етказган эсалар, бирлари Барчиндай сулув, оқила малакни оқ қанддек асраб, тарбия этганлар. Табиийки, уларнинг ўгитини, пандини олган фарзандлар ҳам шунга мос бўладилар.

Ота-оналари мисолида рўзғор санъатини, оила илмини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилган қаҳрамонларимиз ҳам кам бўлмадилар. Айниқса, фарзандли бўлишгач, уларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялашларида ота-оналарининг мактаби қўл келгани шубҳасиз.

Бугунги кунда икки нафар фарзанд – Жасур ва Севарани вояга етказаётган бу оила ширингина ҳаёт кечириб келмоқда.

– Умр йўлдошимдан фахрланаман, – дейди Манзура Юлдашева. – Зотан, дунёда Ватан ҳимоячиси бўлишдан шарафлироқ касб, соҳа бўлмаса керак. Юртимизнинг тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, халқимизнинг хотиржам турмуш кечираётгани бевосита ҳарбий либос соҳибларининг аҳдларига содиқлигига, зиммаларидаги вазифага масъулиятлилигига боғлиқ. Улар орасида Ихлос акамнинг ҳам борлиги кўнглимни чексиз ғурурга тўлдиради.

Оиланинг жажжи аъзолари ҳам оталаридан ўрнак олишган кўринади. Ҳали кичкина бўлишларига қарамай уларнинг чет тилини ўрганишга қизиқишлари, ҳатто инглиз ва рус тилида унча-мунча сўзларни маънолари билан бирга ёд билишларига гувоҳ бўлиб, рости, қувондик. Тўғрида, 4-синф ўқувчиси ва боғча тарбияланувчисининг бундай қобилиятга эгалиги чиндан ҳавас қилгудек. Шу ўринда халқимизнинг «От ўрнини той босар» деган пурмаъно ҳикмати ёдга келади.

Жасурбек билан суҳбатлашарканмиз, келгусида бобоси каби юрт корига камарбаста инсон бўлишига, амакиси офицер Руслан Юлдашев ва отаси сингари эгнига ҳарбий либос кийиб, Қуролли Кучларимиз сафида Ватанга шараф билан хизмат қилишга аҳд қилганидан бохабар бўлдик. Ҳарбийлар сулоласини давом эттиришдек эзгу истакни кўнглига туккан бу йигитчанинг орзулари ижобат бўлишига ишонамиз. Аҳил-иноқ бу хонадон аҳли билан хайрлашиш олдидан оила бошлиғи Офицер Ихлос Юлдашевга шарафли ва масъулиятли ишида муваффақият, оилавий бахт, хотиржамлик тилаб, яқинлашаётган касбий байрамлари – Ватан ҳимоячилари куни билан самимий табрикладик.

**Жамшид НИЁЗОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

# КЎЗЛАРДА ХУШНУДЛИК, ЮРАКДА ҚУВОНЧ

**Янги йил байрамини кўпроқ болажонлар орзиқиб кутишади. Негаки, олис-олис ўлкалардан ошиб келадиган Қорбобо ва Қорқизнинг қопидаги совғаларнинг биринчи соҳиблари ҳам айнан болажонлардир. Бунинг устига кумуш қишда мириқиб чанғи учиш, қорбўрон ўйнаш гаштини айтмайсизми. Шу боисдан ҳам улар қишни энг севимли фасл дея эътироф этишади. Янги йил байрами муносабати билан ўтказиладиган томошалар эса уларнинг қалбига олам-олам завқ бағишлайди. Ана шундай тадбирлардан бири Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтди.**

Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ватан олдидаги хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, фарзандлари иштирок этдилар. «Янги йил арчаси»ни томоша қилиш учун шошилаётган болажонларнинг кўзидаги хушнудлик учқунлари фалакдан ёғилаётган қор парчалари сингари товланиб турарди. Қувонч-ла бирин-кетин онаси ва ака-опалари етагида саройга кириб келаётганларни Қорбобо ва Қорқиз кутиб олишди. Шу куни тадбир қатнашчиларига театрлаштирилган Янги йил томошалари намойиш этилди. Бу эса улар учун ўзига хос совға бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки Қорбобо ва Қорқиздан ташқари севимли мультфильм қаҳрамонларини саҳнада кўриш кимга ҳам ёқмайди дейсиз. Бу ерга ташриф буюрган болажонлар ҳам ўзлари ёд олган шеърлари билан байрам шодиёнасида қатнашдилар. Одамлар қалбига эзгулик, одамийлик уруғларини сочиб келаётган Қорбобо арча атрофида меҳр-оқибат, хайру саховат каби фазилатлар ҳақида гапириб, болаларни ҳам ана шундай фазилатлар эгаси бўлиб улғайишини уқтириб ўтди. Бир сўз билан айтганда, мазкур байрам тадбири барчага бирдек манзур бўлди. Айниқса, саҳна тўрида сеҳрли арчанинг жилоланиб туриши, унинг атрофида айланаётган болаларнинг шодон кулгуси қиёсига сўз топилмади. Шунинг баробарида саҳнада намойиш этилган шоу-дастурнинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан бойитилгани байрам тадбирининг юқори савияда тайёрланганидан далолат берди. Президент совғаси ва Мудофаа вазирлиги томонидан тайёрланган совға-саломларни болажонларга топшириш жараёни ҳам ўксик кўнгилларга қувонч бахш этди. Совғаларни Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов топширди. Шундан сўнг барча иштирокчилар байрам дастурхонига таклиф этилди.

– Ҳукуматимиз, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти фарзандларимиз учун шунчалик эътибор кўрсатаётганларидан мамнунмиз, – дейди Нигора Ризаева. – Оилаларимиздан тез-тез хабар олиб туришибди. Байрам ва тантаналарда доим совға-саломлар билан йўқлашади. Бунинг учун жуда миннатдормиз.

– Бугунги тадбирга уч нафар фарзандим билан келдим, – дейди яна бир суҳбатдошимиз Индира Улашева. – Тўғрисини айтсам, мазкур тадбир фарзандларим учун муносиб Янги йил туҳфаси бўлди. Она учун фарзандининг кўзидаги қувончни кўришнинг ўзи ҳам бахт. Бугун мен фарзандларимнинг шодланганини кўриб, жудаям хурсанд бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, барчага қутлуғ айём муборак бўлсин, деб қоламан.

**Гулнора МУРОДОВА.**

# МАСЛАҲАТ

Ёзувчи ён дафтаридан

## ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

### АДОЛАТ

Адолат битта бўлади, дейиш – гўлликдир. Адолатнинг қиёфаси минг хил бўлиши мумкин. Бу – унга Ким қарашига, қаёқдан қарашига, қай ниятда қарашига боғлиқ.

### ЭНГ БЕБАҲО, ЭНГ АРЗОН

Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатиладиган Хазина бор. Бу – Она меҳри!

### ДОНО ВА НОДОН

Доно нодондан ўзини бир поғона қуйи тутса, ҳайрон бўлманг. Тарозининг юкли палласи бўш палладан доим пастроқ туради...

### АКА-УКАЛАР

Ака-ука ноаҳил чиқди.

Бир оилага сиғмадилар. Рўзғор бўлиниб, қозон айри бўлди.

Бир ҳовлига сиғмадилар. Ўртадан девор олиниб, ҳовли бўлинди.

Бир маҳаллага сиғмадилар. Униси у ёққа кўчиб кетди. Буниси бу ёққа.

Бир туманга сиғмадилар.

Бир шаҳарга сиғмадилар.

Бир дунёга сиғмадилар!

Униси ҳам, буниси ҳам бевақт кўз юмди...

... Ажаб! Бир онанинг қорнига қандай сиғди экан, акаукалар?!

### ОДОБ

Фарзандга осон тутманг. Отанинг юзига тик қаролмайди.

Отага осон тутманг. Фарзандига дардини айтолмайди.

### СЎЗ ҚАДРИ

Ўзининг донолигини кўрсатиш учун кўп гапирган одамдан ўзининг нодонлигини яшириш учун сукут сақлайдиган одам ақллироқдир.

### ГУЛДОН ВА ТОШ

Биллур гулдон билан тош тўқнашса, тошга бало ҳам урмайди, гулдон синади. Негаки гулдон бағрида гул бор.

Яхши билан ёмон тўқнашса, ёмонга балоям урмайди, яхшининг дили вайрон бўлади. Негаки, яхшининг қалбида эзгулик бор...

### ҚАРЗ

Болам бемеҳр чиқди, деб кўп ҳам ўкинманг. Балки, сизга адолатсизлик бўлиб туюлаётган нарсанинг ўзи адолатдир... Сиз ота-онангиздан олган меҳрни болангизга берасиз. Болангиз – ўзининг боласига...

Ҳаёт занжири узилмаслиги керак-ку...

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

Тест

## БИР-БИРИНГИЗГА МОСМИСИЗ?

**Ҳаётимизни диққат билан кузатар эканмиз, хислатлари, одатлари, феъллари, диллари, дунёқарашлари бўйича бирбирларига худди олманинг икки палласидек ўхшаш жуфтларни ҳам, шунингдек, бу борада мутлақо қарама-қарши бўлган эр-хотинларни ҳам учратамиз. Табиийки, бу масала оила тинчлиги, фарзандларнинг намунали муҳитда тарбия топишида муҳим ўрин тутади.**

**Хўш, бу борада сизнинг оилангизда аҳвол қанақа? Сиз жуфти ҳалолингизга мосмисиз? У-чи? Унинг диди, фикри, қизиқишлари сизники билан қай даражада яқин? Сизларнинг бахтли, муваффақиятли ҳаёт кечиришларингиз учун нималарга эътибор бермоқ лозим? Қуйидаги тестга умр йўлдошингиз билан биргаликда (ҳар бирингиз жавобингизни алоҳида қоғозга ёзинг) ечинг. Ажабмас, бир-бирларингизга қанчалик мос эканлигингизни билиб олсангиз. (Саволларга фақатгина «Ҳа» ёки «Йўқ» қабилида жавоб берилади).**

1. Кўпчилик орасида (базмлар, йиғинлар, маросим-тадбирларда) тез-тез бўлиб туришни ёқтирасизми?

2. Сиз, оила қуришганликларига неча йил бўлишидан қатъи назар, эр-хотинлар дам олишларини (таътилларини) бирга ўтказишлари керак, деб ҳисоблайсизми?

3. Сизнингча, оилали бўлгандан кейин ҳам қарама-қарши жинс вакилларидан дўстга эга бўлиш мумкинми?

4. Ота-онангиз бир-бирлари билан доим муроса қилиб, келишиб яшайдиларми ёки яшашганми?

5. Отангиз билан яхши муносабатдамисиз ёки яхши муносабатда бўлганмисиз (қизлар жавоб беради)? Онангиз билан яхши муносабатдамисиз ёки яхши муносабатда бўлганмисиз (йигитлар жавоб беради)?

6. Сизнинг буржингиз ва жуфтингизнинг белгиси қуйида келтирилган гуруҳлардан бирида жойлашганми?

А. **Сув** (қисқичбақа (саратон), балиқ (ҳут), чаён (ақраб).

Б. **Олов** (қўй (ҳамал), камончи (қавс), арслон(асад).

В. **Ҳаво** (эгизаклар (жавзо), тарози (мезон), қовға (далв).

Г. **Ер** (бузоқ (савр), паризод (сунбула), тоғ эчкиси (жаъдий).

7. Сиз учун эр-хотинликнинг асосий мақсади, вазифаси нимадан иборат?

А. болалар ва уларнинг тарбияси ҳақида ўйлаш;

Б. моддий таъминот ҳақида қайғуриш;

В. бир-бирини ўзаро тушуниш.



### НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Энди қуйидаги жадвалдан фойдаланган ҳолда ҳар бирингиз ўз балларингизни ҳисоблаб чиқинг. Агар еттинчи саволга берган жавобингиз иккovингизда ҳам бир хил бўлса, унда ҳар бирингиз ўзингизга яна беш балдан қўшасиз,

| № | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳа | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| Йўқ | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

акс ҳолда юқоридаги олти саволга олган балларингизнинг ўзини қолдирасиз.

Натижаларни ҳисоблаб чиқинг ва йиққан балларингиз ўртасидаги фарқни таққосланг.

Баллар ўртасидаги фарқ 5–10гача бўлса: Сизларнинг иттифоқингиз муваффақиятли (ёки муваффақиятли бўлиш эҳтимоли юқори). У сизларнинг ўзаро талабларингизни бутунлай қаноатлантиради. Сизларнинг фарзандларингиз меҳр муҳаббатга қурилган оилавий муҳитда ўсишади.

Баллар ўртасидаги тафовут 15–25ни ташкил этса: Ўртангиздаги фарқ сизларнинг талабларингиз ва интилишларингизни амалга оширишда қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Бу эса кўпинча бир-бирингиздан қониқмаслигингизга ва муносабатларингизнинг совушига олиб келиши эҳтимоли бор. Бир-бирингиз билан очиқча гаплашиб олинг. Ҳали айтарли ҳеч нарса бой берилгани йўқ.

Баллар фарқи 25дан кўп бўлса: Характерларингиз жуда фарқли. Оилангизни сақлаб қолиш учун иккovингиз ҳам доимо бир-бирингизга ён беришингиз керак. Фақат шундагина оилангиз осуда ҳаёт кечириши мумкин. Ўз устингизда кўпроқ ишлашингиз ва жуфтингизга кўпроқ эътибор қаратишингиз лозим.

**Жасур НИЁЗОВ тайёрлади.**

Сўраган экансиз

## ПИРОТЕХНИКА – ОҚИБАТИ ЖАЗО

**Қанча тақиқланишига қарамасдан Янги йил арафасида кўпроқ болалар пиротехника воситаларидан фойдаланишади. Пиротехника воситалари орқали кишига тан жароҳати етказилганда мавжуд қонунчилигимиз асосида қандай жазо белгиланади.**

**Фурқат МУРОДОВ,**
**Бухоро вилояти.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар» дея номланган олтинчи бўлимидан мазкур саволга жавоб топиш мумкин. Аниқроғи «Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш» деб номланган 250-моддада шундай ёзилган: «Портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

## ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАСИ БУЗИЛГАНДА

**Яқинда ёнғинга қарши кураш ойлиги якунланди. Айтингчи, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганда қандайдир жазо қўлланиладими?**

**Акбар ИНОЯТОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

Жиноят Кодексининг 259-моддасида «Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар олиб келиб чиқишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади», деб ёзилган.

**Ш.ТОЛМАСОВ тайёрлади.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## «МЕН ҲАЁТНИ СЕВАМАН»



Мен ҳаётни муҳаббатнинг кучида деб биламан. Чунки ҳамма нарсадан кўнглим совиб, дунёдан буткул умидимни узганимда ана шу муҳаббат мени ҳаётга қайтарди.

Дардим жуда оғир эди. Буни шифокорлар айтмаса ҳам сезгандим. Лекин улардан мингдан-минг розиман, чунки қўлларидан келганча ёрдам қилишди. Мен учун фақат онам – бошидан кечирмаган азоби қолмаган ана шу дардкаш онам – елиб-югурардилар. Улар ҳеч қачон умидини узмасдилар, фақат улargina менинг ҳаётим сўниб бораётганига ишонмасдилар. Билмадим, ожиз вужудига шунча кучни қаёқдан олган эканлар. Соғайишимни сўраб, кечаю кундуз Худога нола қилардилар. Улар ҳамиша менинг тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетишимни, гўзал бир қизга уйланиб, ширингина фарзандларга ота бўлишимни тинмай уқдирар, ўзини-да, мени-да бунга инонтирар эди. Менинг қўлимдан эса ҳатто онамни юпатиш ҳам келмасди. Эркак бошим билан уларнинг корига ярай олмаётганимдан пушаймон бўлардим. Онамни қийнаганимни, уларга фақат ташвиш орттирганимни ўйлаб, юрак-бағрим эзиларди. Дунёдаги бирдан-бир армоним онаизоримнинг кўзларида севинч учқунларини кўриш эди. Мен бетоб бўлганимдан кейин уларнинг кулганини ҳечам эслолмайман.

Шундай дамларда тирик қолишимга асло умидим бўлмаса ҳам фақат онам учун, уларнинг йиғлаб қилган дуолари учун ва кўзларида шодлик аломатларини яна бир бор кўриш учун яшагим келаверди. Фақат ана шу кучгина менинг дунёдан кўз юмишимга ҳалақит берарди. Онам эса ўзларини жуда дадил тутардилар.

Агар сиз Яратганданниманидир астойдил сўрасангиз ўша ниятингиз ижобат бўларкан. Онамнинг ажин тўла юзларида биттагина табассумни кўрсам, дердим. Бечорагинам мен учун ҳар нарсага тайёр эдилар.

Бир кун хонамга ниҳоятда хушсуврат, сўз оҳанги-да жонга ором бағишловчи бир шифокор қиз кириб келди. Мен уни фаришта деб атадим. Осмондан тушдими ё бошқа жойдан, унинг нега келгани, қандай келгани менга қоронғу эди. У кундузлари доим ёнимда бўлар, қизиқ воқеаларни айтиб кулдирар, китоблар ўқиб берар, ҳечам зерикишимга, ҳатто ёмон хаёлларни ўйлашимга ҳам йўл қўймасди.

Бир куни у хонамга дадаси билан бирга келди. Қизиқ, ота-бола бир-бирига бунчалик ўхшамаса?! Отаси салобатли, жиддий, аммо кўзларида меҳр акс этиб турарди. У бошқаларга ўхшаб мени ёлғондакам овутмади, ширин сўзлар гапирмади ҳам. Совуққонлик билан мени кўтариб ташқарига, касалхона ҳовлисига олиб чиқди. Биз катта тут тагида анчагача суҳбатлашдик. Кейин билдимки, у ҳарбий экан. Қорачадан келган, қўллари кучли, забардаст бу одам менга ёқа бошлади. У кичи ерда ўрмалаб кетаётган чумолини кўрсатиб, «қараб тур» деди ва бир сиқим тупроқ олиб унинг устига ташлади. Бир пасдан кейин чумоли тупроқ ичидан чиқиб келди. У яна тупроқ ташлади, ғайратли чумоли яна ўрмалаб чиқди, қайта-қайта шундай қилаверди, чумоли эса таслим бўлган йўқ. Шунда у менга қараб: «Кўряпсанми, йигитча, наҳотки сен шу ожиз ҳашаротчалик куч тополмасанг, нега яшаб юрибсан. Билиб қўй, ҳаётда, жониворлар орасидаям, инсонлар орасидаям фақат кучлилар яшайди, ожизларга ўрин йўқ!»

Унинг гаплари шунчалик юрагимга ботдики, ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Ва мен чумолидан ҳам нотавон бир йигит ўзимда аллақандай куч пайдо бўлганини сездим. Узоқ давом этган касалликдан ҳориган танамда шифобахш бир умид куртак отди. Менинг яшашимни истайдиган одамлар муштипар онаизорим билан бирга, ўша оқ халатли фаришта ва унинг иродаси кучли ҳарбий отаси борлиги, уларнинг муҳаббати мени яшашга даъват этди. Мен ҳаётни, азоб-уқубатлари кўп, лекин қайноқ ва ширин ҳаётни танладим. Яна ҳаётни илгаригидан ҳам кўпроқ сева бошладим. У менга жуда катта бахтни тортиқ қилди.

Онажоним, отацдек меҳрибор суянчиғим ва мунис фариштам бор. Энди ҳарбийларни, ҳарбий либос кийганларни шунчалик яхши кўриб қолдимки, ўзим ҳам тузалиб уларга ўхшашни орзу қилардим. Аммо, бунга бирданига эришиб бўлмаслигини биламан.

Астойдил интилсам, бу ниятимга эришишим аниқ.

Баъзан ўйлаб қоламан, бу ҳаёт машаққатлари мен учун юборилган катта бир синов бўлса керак. Чунки, бир китобда ўқигандим, чинакам бахтсизликни бошидан кечирган одамгина ҳақиқий бахтга муносибдир. Мен бошимдан ўтказган бахтсизликни, топган саодатимни, онамни ва менга далда берган фаришта мисол шифокорни, унинг меҳрибон отасини – ҳаммани сева бошладим. Уларни чинакамига бахтли қилишни истардим. Ҳеч қачон ҳаёт менга бунчалар ширин туюлмаган эди...

... Фариштам, бир кун мендан сўрайсан:

– Мени севасизми ё ҳаётни? – деб.

Мен эса «ҳаётни», деб жавоб бераман.

Сен хафа бўласан, билмайсан-да менинг ҳаётим эканлигингни...

Ҳаётдан кетмагил, хаёлимни ол,
Бир умр дўст бўлиб ҳаётимда қол.
Ҳаёт шу экан, деб эсдан чиқарсам,
Ҳаёт шу экан, деб сен ёдимга сол.
Ҳаёт жумбоқ экан, сержавоб савол.
Ҳаёт шундоқ экан, шунчаки хаёл.
Энг сўнгги нафасим чиқиб кетса ҳам,
Ҳаёт давом этар, шуни билиб ол.
Сулув кампир бўлар, йигит бўлар чол,
Вақтнинг домидир бу, давомий бир ҳол.
Ҳаттоки, ҳаёт ҳам абадий эмас.
Лек ҳаёт жумбоғин ечмоқлик маҳол.

**Мактуба АВЕЗОВА.**

## ЁЗИЛМАГАН ҚОНУНЛАР

**Бу юртда турли-туман қишлоқлар кўп. Бири дарахтларга бурканган, бири тоғлар орасида, яна бири бийдай дала-даштларда... У ерларда уйлар ҳам ўзига хос. Доим очиқ турадиган дарвозалар, атрофи енгил-елпи ўралган қишлоқ уйлари. Ҳатто ҳеч нарса билан ўралмаса-да ўзига яраша дахлсиз ҳудудлари бор. Энг ҳайратланарлиси бу хонадонларга бемалол кириб бориш мумкин бўлгани ҳолда эркак кишининг маълум бир чегарада ҳамжинслари овоз бермаган хонадон яқинида тараддудланиб туришлари... Бу ҳолат кўнгилга аллақандай хотиржамлик солади.**

– Онажон, икки соатлардан сўнг шаҳарга қайтарканмиз, куёвингиз телефон қилдилар, – шундай деганича Зарифа кичкинтойининг кийимларини йиғиштира бошлади. – Автобусда кетарканмиз.

Қизининг охирги сўзларидан она бир сесканиб тушгандек бўлди. Автобус... Ҳаммаси ана шу шаҳарлараро қатнайдиган автобусдан бошланган эди.

– Хола, қизингиз гапиришни билмайдими, – автобусга чиққанидан бошлаб тинимсиз маҳмадоналик қилиб келаётган йигит Зарифанинг онасига гап қотди.

Аёл ҳорғинлик билан қизига қараб кулимсираб қўйди. У эса қисинибгина автобус ойнасига қараганича ўтирарди. Йигит гапга тутишини қўймасди:

– Хола, қизингизни исми борми ё ҳали исмини айтишни ҳам билмайдими?

Чимирилган, норизо аёл нигоҳи йигитни фақат бир зумгагина тинчита оларди. Зарифанинг беғубор шаҳло кўзлари, елкасига ёйилиб ётган қоп-қора сочлари унинг оромини буткул ўғирлаган эди чамаси. Манзилга етганларида ҳам йигит улардан бир қадам ортда қолмади. Аёлнинг «қизим унаштирилган» деган кескин гапи ҳам уни тўхтата олмади.

– Мен онамни уйларингизга юбораман, у унаштирилган, ҳали тўйи бўлгани йўқ-ку, – шундай деб йигит ортига бурилиб кетди.

У айтганини қилди. Эртаси куниёқ икки аёл бошлашиб Зарифаларнинг уйига совчи бўлиб келишди. Ва унаштирилган деган сўзни эшитиб бўшашганча ортга қайтдилар. Бу нарса йигитга заррача таъсир қилмади. Қайсарлик билан қизнинг уйига келиб яна унинг онаси билан гаплашмоқчи бўлди. Самар нафақат оромини балки ақлини ҳам йўқотгандек эди, ялинчоқ оҳангдан таҳдидга ўтганини сезмай қолди:

– Ўзим ичолмаган ошни тўкиб ташлаш қўлимдан келади. Ўзини зўрға тутиб ўтирган аёлга унинг бу гаплари оғир ботди.

– Уйимдан йўқол, иззатини билмаган тарбиясиз, – секин аммо нафрат билан эшикка ишора қилди аёл.

Зарифа бу вақтда ўз орзулари билан банд эди. Уни пойтахтда ўқимишли, яхшигина вазифада ишлаётган, келажаги умидли бўлган йигитга унаштирган эдилар. Улар бор-йўғи икки мартагина гаплашдилар холос. Йигит кўркамгина экан. Зарифа бир кўришдаёқ уни ёқтириб қолди. Ва илк учрашувдан кейиноқ ширин хаёллар оғушида қолди. Тўй бўлиши учун қизни ўн етти ёшга тўлишини кута бошладилар. Икки ойдан сўнг тўйни белгиладилар.

Самар билан бўлган кўнгилсиз «музокара» унутилгандек эди. Тўйга ҳам саноқли кунлар қолди. Зарифаларнинг уйига икки томон – қудалар маслаҳатга жам бўлдилар. Келинчакнинг оқшом либосини танлашда унинг фикрини билишни истадилар. Куёв бўлмишнинг синглиси буни билишни ўз зиммасига олди. Шу мақсадда бўлғуси келинчак ўтирган хонага йўл олдилар. Эшик ичкарисидан қулфланган эди. Тақиллатдилар. Жавоб йўқ. Бу ҳолат қиз боланинг ийманиб эркалик қилаётганига ўхшамас эди. Ранги докадек оқариб кетган она ўн яшар ўғлига ҳовлининг орқа томонига ўтиб деразадан ошиб ичкари тушишни буюрди... Ағдарилган гултуваклар, ланг очилган деразалар, хона ўртасида сочилиб ётган келин сарполари... Серрайганича қотиб қолган она бир пас туриб гурсиллаб полга қулади.

Болакай чинқириб йиғлаганича онасининг устига ўзини отди. Наҳотки онаси ҳам худди отаси каби тўсатдан ўлиб қолса? Болакайнинг қўрқув тўла йиғиси меҳмонларни ўзига келтирди. Елиб-югуриб докторни олиб келдилар... Хуллас маслаҳат оши заҳарга айланди.

Зўрға ўзига келган аёл тўғри Самарларникига келди. Ота-онаси уйда экан.

– Бева аёлнинг уйини оёқости қиладиган нобакор ўғил ўстирганларга лаънат бўлсин, – деб қалтираб-қақшаб турган аёлни кўриб улар гап нимадалигини дарҳол англадилар. Зир югуриб, ҳамма Самарни ахтаришга тушди. Икки кундан кейин «қиз ўғриси»ни топдилар. Икки кун ичида сочлари батамом оқариб, тирик мурдага айланиб қолган аёлнинг аҳволи аянчли эди. Тинимсиз титраб турган Зарифа нуқул «онажон, онажон... мен ҳеч нима қилолмадим» дерди.

Куёв томон келишди. Ва тўйни рад қилишди. Улар келинга қилган сепларидан ҳам воз кечдилар. Зарифа беайб бўлса ҳам «келажаги умидли бўлган, яхшигина вазифада ишловчи ўқимишли йигит» унга уйлана олмаслигини билдиришди. Дил оғриқларининг энг яхши малҳами вақтдир. Вақт ҳамма нарсани изга солди. Зарифага ёши ундан анча мунча каттароқ бўлган йигит уйланди. Келажаги қанақалигини ҳеч ким билмайди, ўқимишли ҳам эмас, оддийгина ҳайдовчи, энг муҳими мард инсон эканлигини ҳамма билади.

– Онажон, ана куёвингиз ҳам келдилар, – деган Зарифанинг шодон овози аёлни оғир хаёллардан ўзига келтирди.

– Келинг, келинг ўғлим , – деганича куёви истиқболига шошди. Йигитнинг сезгир нигоҳлари она кўзидаги хавотирни дарҳол англади.

– Хавотир олманг, онажон, уларни ўзим билан олиб кетяпман, кўз олдимда бўлишади, сиз ҳам юринг биз билан, – гап орасида илтифот қилишни ҳам унутмасдан қайнонасини тинчлантирди.

Аёл улкан шаҳар томон елиб кетаётган автобус ортидан меҳр билан термилиб қолди. Ахир унда болалари кетяпти, Зарифаси, ҳаёт зарбаларини эрта татиган эрка қизи ишонган тоғи билан ўз уйларига кетяпти...

**Бу юртда турли-туман қишлоқлар кўп. Бири дарахтларга бурканган, бири тоғлар орасида, яна бири бийдай дала-даштларда... У ерларда уйлар ҳам ўзига хос. Доим очиқ турадиган дарвозалар, атрофи енгил-елпи ўралган оддий қишлоқ уйлари. Ҳатто ҳеч нарса билан ўралмаса-да ўзига яраша дахлсиз ҳудудлари бор. Энг ҳайратланарлиси бу хонадонларга бемалол кириб бориш мумкин бўлгани ҳолда эркак кишининг маълум бир чегарада ҳамжинслари овоз бермаган хонадон яқинида тараддудланиб туришлари... Бу ҳолат кўнгилга аллақандай хотиржамлик солади.**

**Инобат НОДИРШОҲОВА.**

# ТУРФА ОЛАМ

## АРЧАНИНГ ХИСЛАТИ



Қишин-ёшин яшиллик манбаи бўлган тоғ арчаларини табиат мўъжизаси, деб айтиш жоиздир. Арчалар ўзларининг манзарали кўринишлари билан бошқа дарахтлардан ажралиб турадилар. Хушбуй ҳиди, чиройли садаси, чидамли, маҳкам ва қаттиқ ёғочи бу дарахтнинг бебаҳо эканлигини кўрсатади. Айтиш жоизки, унинг ҳам шифобахш томонлари бор. Нақл қилишларича, табобатда арчадан ярани тузатадиган малҳам тайёрланаркан, донидан ажратиб олинган эритмадан эса пешоб ҳайдовчи дори-дармон сифатида тиббиётда кенг қўлланиларкан. Ёғочидан қалам тайёрланса, тана шохларидан ёғ олинади. Бундан ташқари, арчанинг ҳидли ширин қуббаларидан фармацевтика саноатида кенг фойдаланилади. Арча қуббаларида смолалар, 40-60 % қанд (таркибида фруктоза ва глюкоза кўпроқ), чумоли ва сирка кислоталари борлиги олимлар томонидан аниқланган. Арча қуббалари яраларни тузатишда, ундан тайёрланган дамлама йўтал, балғам кўчириш, оғриқ қолдириш, ревматизмни даволашда ва микробларнинг кўпайиб кетишини камайтирувчи дезинфекция қилувчи восита сифатида қўлланилади, қолаверса «арча бальзами» ҳам олинади. Ундан олинадиган сақич эса оғиздаги нохуш ҳидни йўқотар экан. Арча дарахти ажратиб чиқараётган хушбўй ҳид ҳаводаги заҳарли микробларни йўқ қилади. Бир гектар тоғ арчазори 30 тонна кислород ишлаб чиқариши, ундан инсон бир неча йил мобайнида нафас олиши мумкин эканлиги манбаларда ўз исботини топган.

Айниқса, игнабарглилар турига кирувчи қора арча юртимизда жуда кўп ўсади. Танасининг чайирлиги, атроф-муҳитни тозалаши, доимо кўм-кўк бўлиб туриши нафақат тоғларга, балки шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшади. Бу арчаларнинг юртимизда 40-50 тури бўлиб, улар бизнинг иқлимга яхши мослашган. Совуққа ва иссиққа ўта чидамли. Унинг яна бир фойдали томони атроф-муҳитни фитонцидлар билан ниҳоятда тоза сақлайди.

Халқимиз: «Тоғда арчанг бўлса, сайилингда сув бўлади», дея бежиз айтишмайди. Арчалар ер ости сувини меъёрида тутиб турувчи хазинабон ва «мироб»лик вазифасини ҳам ўтайди. Бир гектар майдонда экилган арча атрофидаги 20 гектар майдондаги намликни сақлаб тура олади ва тоғ бағрида ўсувчи турли хил буталарни сувдан баҳраманд этиб, нураш ва сел оқими каби хавф-хатарнинг ҳам олдини олади.

Агар кузатган бўлсангиз, арча дарахтлари кўп бўлган сойнинг чашмасида сув кўпроқ, дарахт кам жойнинг чашмасида сув камроқ бўлади. Шундай экан, ўрмонларимиз биологик сув тутгич вазифасини ҳам ўтабгина қолмай, ҳавонинг мўътадиллигини сақлашда ҳам асосий восита ҳисобланади. Ўрмонларнинг яна бир хусусияти сувнинг ер остига ўтиб кетишини, парланишини камайтиради. Катта-кичик сойлар ҳажмини ривожлантириб, сув манбаини меъёрида сақлашга хизмат қилади.

## ҚИЗИЛ ҚОРНИ КЎРГАНМИСИЗ?

Одатда бирор нарсанинг поклиги таъкидланганда, «қордек оппоқ» ибораси ишлатилади. Бироқ, ер куррасининг айрим тоғлик ва пасттекислик ерларида, шунингдек, Арктика ва Антарктиданинг муз билан қопланган денгизларида қорнинг усти қизил, яшил, сариқ, жигарранг, кўк ва ҳатто қора тусга кириб қолганлигига кўплаб сайёҳлар шоҳид бўлишган. Шу ҳодиса кўчма маънода «қорнинг гуллаши» деб юритилади.

Қадим замонлардан қизил қор тўғрисидаги эртак ва афсоналар оғиздан-оғизга ўтиб келади. Айнан ана шу қизил қор ер куррасининг кўп жойларида, хусусан, тоғ чўққиларида кўп учрайди. Жумладан, Кавказ тоғларида, Арманистон тоғларининг шимолий қисмида, Болгариянинг денгиз сатҳидан 2300–3400 метргача бўлган баландликларида қизил қорни кўриш мумкин.

Мутахассис олимларнинг маълумотларига кўра, қизил қор Камчатканинг доимий қорли чўққиларида, Сибирда, Тяньшан тоғларида ҳам учрайди. 1907 йилда Тяньшаннинг Қорчой тоғи довонларидан бирининг шимолий қисми пуштиранг қор билан қопланганлиги, 1927 йили эса шу ерда бир неча метр қалинликдаги қизил қор тўшалган далалар каттагина майдонни эгаллаганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Хўш, қорнинг «гуллаши»га нима сабаб? Гап шундаки, қор ҳарорати паст бўлишига қарамай, унинг усти ва орасида микроскоп воситасидагина илғаб олса бўладиган, жуда майда, бир ёки бир неча ҳужайрали сув ўтлари мавжуд. Уларнинг тез кўпайиши оқибатида ранглар пайдо бўлиши аниқланган. Ҳозирги кунда бундай сув ўтларининг 70дан ортиқ тури маълум. Чунончи, Кавказ тоғларида учрайдиган ранг-баранг қорларда 55, Уфа шаҳри атрофидаги қорларда эса 37 турдаги сув ўтлари мавжудлиги аниқланган, Дарвоқе, аксарият рангли қорларнинг ўзига хос ҳиди бор. Масалан, олтинранг сув ўтларининг кўпайиб ўсишидан балиқ ёғининг ҳиди айниқса, бир ҳужайрали яшил сув ўтининг кўпайиб боришидан ёқимли тарвуз ҳиди келади ва у қорни қизил рангга бўяйди. Чунки, сув ўти аслида яшил бўлса ҳам унинг таркибида қизил бўёқ моддаси бор. Ана шу модда сув ўтини қуёшдан келадиган қисқа тўлқинли нурларнинг ҳалокатли таъсиридан асрайди. Қор эриши ёки унинг намланиши натижасида сув ўти тез кўпаяди.

Пасттекисликларда қор кўпинча яшил ёки сариқ рангга бўялади. Арктика ва Антарктидадаги музликлар шароити баъзи сув ўтларининг ўсиши учун қулай ҳисобланади. Бундай сув ўтлари қуёш нури етадиган музликлар орасида ва остида кўпайиб, уларни сарғиш-жигарранг тусга киритади. Айрим ҳолларда 1 куб. метр муз орасида шундай сув ўтларидан бир килограммга яқини тўпланади.

**С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.**

## «ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ»



**Яқинда жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабар барчани бирдек ҳайратлантирганлиги тайин. Унда таъкидланишича, Италияда футболчилар ўртасида нохуш «касб» касаллиги кенг тарқалаётир. «А» серияга хос синдром номини олган амиатрофик склероз билан фақат футболчилар азият чекаётганлиги бор гап. Дарди бедаво хасталик билан айнан «яшил майдон соҳиблари»нинг хасталанаётганлиги ҳамон сирлигича қолмоқда.**

Шифокорларнинг бу борадаги фикрлари турлича. Бир гуруҳ мутахассислар бунга майдон чимларини ўстиришда фойдаланилаётган препаратни сабаб қилса, баъзилар ўйинчилар тўпга бош билан кўп бора зарба беришини айтаётир. Америкалик собиқ бейсболчи Лу Геричда шу синдром илк бора кузатилганлиги боис, хасталикни «Лу Герич» касаллиги ҳам дейишади.

Кўҳна Рим мамлакатида футбол баҳслари жуда муросасиз, яккакурашларга бой тарзда ўтади. Шунга яраша жароҳатлар кўплиги ҳам табиий. Мутахассислар, футболчиларда бошқа спортчиларга қараганда орқа миянинг жароҳатланиши етти баробар кўп кузатилишини аниқлашган. Демак, касаллик орқа мия асаб ҳужайраларининг шикастланиши натижасида фалажга олиб келишини ҳисобга олсак, шу қараш ҳақиқатга яқиндир.

Ўз суюклиларини ночор ҳолда кўриш ҳеч қайси мухлисни қувонтирмайди. Шу боис Италия футбол федерацияси касалликни синчиклаб ўрганиш учун миллионларни аямаяпти. Бу жабҳада футболчилар ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ўнлаб «чарм тўп» усталари маошларининг маълум миқдорини тиббий тадқиқотларни ривожлантиришга ажратаётган бўлсалар, айримлари эса хайрия учрашуви ташкил қилиб, тушаётган маблағни беморларга сарфлашаётганлиги таҳсинга сазовор. Статистик маълумотларда билдирилишича, хасталик 5 йил давомида беморни нобуд қилар экан. 1973 йилдан ҳозирга қадар 41 футболчи шу хасталик оқибатида ҳаёт билан видолашган. Уларнинг аксарияти ярим ҳимоя вакилларидир. Апенин ярим ороли терма жамоаси собиқ ўйинчилари Адриано Ломбард, Жонлуиги Синьорини мазкур хасталик натижасида вафот этишганда, Италия «фанатлари» карахт аҳволда қолганди. Яна бир италиялик «голлядор» Стефано Боргоновонинг шу синдромга чалинганлиги ҳам ниҳоятда ачинарлидир.

Италияда юз бераётган нохуш воқеалар қўшни мамлакат футбол раҳбарларининг ҳам тинчини бузганлиги, табиий. Аммо Исроил ва Францияда бу хасталик белгилари кузатилмаганлиги ушбу мамлакат футболсеварларини қувонтираётгани шубҳасиз.

Футбол деб аталмиш бетакрор ўйин дунёнинг ҳар бир бурчагида ўйналади, севиб ардоқланилади. Шунинг учун бўлса керак бугун ўйинларидан баҳра олаётганимиз «чарм тўп» усталарининг, футбол «тили» билан айтганда, «ўйиндан ташқари ҳолат»да қолишларини ҳеч ким истамайди.

**Р. РАЖАБОВ тайёрлади.**

## ОЛТИ МИНГ ЁШДАГИ ШАҲАР



Малайзиянинг Калимантан оролида жойлашган Саравак султонлиги маркази Кучинг – дунёдаги энг озода шаҳар, деб топилди. Шаҳар аҳолисининг аксарият қисми ҳалигача ибтидоий тарзда турмуш кечириб келадилар. Шунинг учун ҳам Кучинг кимёвий, саноат чиқиндилари билан ифлосланмаган. Чор-атрофи баланд тоғлар билан ўралган ушбу шаҳарда ҳарорат йил давомида ўртача 26-28 даража иссиқ бўлади.

***

Европа ва Америкада ўтказилган сўровлар натижасига кўра, дунёдаги энг яхши шаҳар дея Ванкувер (Канада) тан олинган. Унинг иқлими мусаффо, табиати гўзал, аҳолиси кам ва жиноятчилик кўрсаткичи паст. Бундай шаҳарда бемалол хотиржам турмуш кечириш, узоқ умр кўриш имкони мавжуд экан. Сўровлар, шунингдек, Мельбурн, Вена, Женева, Сидней, Цюрих, Торонто ва Калгари шаҳарлари ҳам кўпчиликнинг назрида энг яхши шаҳарлар сирасига киришини тасдиқлади.

***

«Оловли ер» оролида жойлашган Ушуайя ер юзидаги энг жанубий шаҳар ҳисобланар экан. Ундан Антарктидага тадқиқотчилар жўнатилади. Ушуайя бор-йўғи учта кўча ва бир портдан иборат холос.

***

Дунёдаги энг «ёши улуғ» шаҳар қаерда жойлашганини биласизми? У ҳолда билиб олинг, у Сурия ҳудудидаги Ҳамукар шаҳридир. Айтишларича, унинг ёши нақ 6 000 да.

***

Дудинка – Ер юзидаги энг шимолий шаҳар дейишади. У Енисей дарёси қирғоқларида, Таймир ярим оролида жойлашган бўлиб, 340 йиллик тарихга эга. Аҳолиси тахминан 28 000 кишидан иборат.

***

Сайёрамиздаги ёғингарчилик, намлик энг юқори бўлган шаҳар сифатида Черрапунжи эътироф этилади. Ҳиндистон ҳудудига кирувчи бу шаҳарда йилнинг олти ойи мобайнида тинмай ёмғир ёғади.

**Абдуллоҳ НИЁЗОВ тайёрлади.**

# ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

## ҚЎЛБОЛА МАЙОНЕЗ

**Кундалик турмушда ошхонамизда майонез энг кўп ишлатиладиган маҳсулотлардан бири саналади. У, айниқса, салатлар ва тез тайёрланадиган таомлар (хот-дог, пицца кабилар)ни тайёрлашда жуда керак бўлади. Бекажонлар бу маҳсулотни бозор ёки супермаркетлардан қиммат нархларга сотиб олмасдан оддий уй шароитида тайёрлаши ҳам мумкин.**

Бунинг учун 3 дона тухум сариғини оқидан эҳтиётлаб ажратинг(бир томчи ҳам аралашмасин). Тухум сариғига 2 чой қошиқ хантал (горчица) қўшиб, яхшилаб кўпиртирасиз. Кўпиртиришдан тўхтамаган ҳолда 0,5 л ўсимлик мойи, 50 гр сирка, 1 чой қошиқ туз қўшишни унутманг. Сўнгра тухумнинг оқини алоҳида идишда то қуюқ ҳолга келгунча кўпиртириб, асосий масалликқа қўшасиз. Барчаси яна 5-10 дақиқа давомида аралаштирилади. Тайёр бўлган маҳсулотга таъбга кўра мурч қўшишингиз мумкин.

## САЛАТ ГРИБНОЙ С ПЕЧЕНЬЮ



**Необходимо:** 400 г грибов, 200 г говяжьей печени, 2 шт. соленых огурцов, 3 луковицы, 3 яйца, 150 г сметаны, 2 ст. ложки растительного масла, перец черный молотый, соль, зелень.

**Приготовление:** Грибы отварить. Печень отварите с добавлением соли и нарежьте соломкой. Лук нарежьте кольцами и обжарьте на растительном масле. Огурцы и грибы нарежьте соломкой, вареные яйца – кубиками. Все ингредиенты соедините, добавьте соль, перец, заправьте салат сметаной и оформите зеленью и яйцом.

## МЯСНОЙ ТОРТ С ПРИПРАВАМИ



**Необходимо:** 900 г говяжьего фарша, 4 ст. ложки масла сливочного, 2 стакана лука нарезанного, 2 ст. ложки кетчупа, 250 г творога, 2 яйца, перец черный и красный молотый, соль.

Тесто: 250 г маргарина, 400 г муки, 200 г майонеза, 1/2 ч. ложки соли.

**Приготовление:** Из указанных ингредиентов замесить тесто и раскатать его в виде круга. Выпекать 15 мин. на среднем огне. Лук обжарить на масле до образования золотистой корочки, добавить фарш и жарить все вместе до готовности. Посолить, поперчить, добавить кетчуп. Выложить мясную смесь на горячее тесто. Сверху уложить творог, смешанный с яйцами, посыпать красным перцем. Выпекать еще 25–30 минут.

Фойдали маслаҳат

## ПОЙАФЗАЛ ПАНД БЕРГАНДА...

**Қиш ўзининг ёғингарчиликларга бойлиги билан бошқа фасллардан ажралиб туради. Айниқса, қор гупиллаб ёғаётгандаги гўзал манзарани сўз билан таърифлаш қийин. Баъзиларга қорнинг ёмғирга айланиши жуда ёқади. Аммо об-ҳавонинг бу каби «инжиқликлари»ни ҳамма ҳам бирдек хуш кўравермайди.**

**Кўпчиликнинг таъбини хира қиладиган нарса ёғингарчиликда пойафзалнинг панд беришидир. Тўғри-да, оёқ кийимингиздан сув ўтиб турганда, кўнглингизга қордан, унинг гўзаллигидан завқ олиш сиғармиди?! Қуйида ана шундай кўнгилсизликнинг олдини олиш усуллари билан танишасиз.**

● Барча турдаги оёқ кийимларига сув ўтмаслиги учун махсус мой (мазь) суртилади. Уни қўй ёғи ва зиғир мойини баравар миқдорда аралаштириб тайёрлаш мумкин. Бунинг учун мойни паст алангада қиздириб олгач, озгина скипидар ёки ўсимлик мойи (парафин ҳам бўлади) қўшиб ишлатиш керак.

● Бошқа бир усули: 50 гр парафин билан 200 гр табиий алиф мойи аралашмаси паст алангада эритилади. Илиқ аралашмага 100 гр резинка елими солинади. Ҳаммаси обдон қориштирилгач, 10 гр скипидар, пойафзалнинг эгилувчанлигини ошириш учун 100 гр канакунжут мойи қўшилади. Тайёр аралашма пойафзалнинг таг чарми ва устки қисмига шимдирилиб, бир неча кун давомида қуритилади. Бундай мой пойафзалга бир мавсумда икки марта шимдирилади. Қарабсизки, намгарчилик мавсумида умуман қийналмайсиз.

**Адҳам НИЁЗОВ тайёрлади.**



Bolajonlar, sizlar uchun!

## MO‘JIZA

Bir bor ekan, bir yo‘q ekan, bir Qorbobo bor ekan.

Qorboboni mahallamiz bolalari yasashganini qo‘ni-qo‘shnilar ham o‘z ko‘zlari bilan ko‘rishgan ekan.

O‘sha kuni kechasi bilan gupillatib laylakqor yog‘ibdi. Hammayoq oppoq bo‘lib ketibdi. Daraxtlar oq chopon kiyibdi. Archalar shoxi egilib qolibdi. Ertasiga Sarvar, Nodir, Vasila, Azamat – hammalari maktabdan kelgach: «Ur-reey, o‘ynaymiz, qor», – deb bir-birlarini chaqirgancha ko‘chaga chopib chiqishibdi.

– Kelinglar, bolalar, Qorbobo yasaymiz, – deb qolibdi Azamat.

– Ur-re, Qorbobo yasaymiz, Qorbobo! – hammalari shunday deb ishga kirishib ketishibdi.

Qorbobo shunaqangi yaxshi chiqibdiki, o‘tgan-ketganlar:

– Juda o‘xshatibsizlar-ku! – deyishar ekan.

Bolalar bu maqtovlardan rosa xursand bo‘lib, Qorbobo atrofida uzoq o‘ynashibdi.

Qorong‘i tushgach, ular shovqin-suron bilan uy-uylariga tarqalishibdi. Qorbobo esa yo‘l chetida bitta o‘zi qolibdi. Turaveribdi, turaveribdi, rosayam zerikib ketibdi.

«Oh, qaniydi, yurishni bilsam-u, haligi bolalarning hozir uylarida nimalar qilayotganini o‘z ko‘zim bilan ko‘rsam», – deb orzu qilibdi. U shunday deyishi bilan sekin-sekin qimirlay boshlabdi. Avval bitta qadam bosibdi, keyin ikki qadam, qarabsizki, u yo‘rg‘alab ketibdi.

Qorbobo bir uyning yoniga borib derazadan sekin mo‘ralabdi. Qarasa, haligina qor dumaloqlab Qorboboning oyoqlarini yasagan Azamat ko‘k, qizil bo‘yoqlar bilan rasm chizayotgan ekan.

Keyin Qorbobo asta yurib, boshqa uyning derazasi oldiga kelibdi. Qiziqib mo‘ralasa, hali Azamatga qor dumaloqlar uzatib turgan jajji, lo‘ppi yuzli qiz Vasila uxlab yotganmish.

Qorbobo qo‘lida hassasi bilan eng yorug‘ deraza yonida to‘xtab qolibdi. Qarasa, Sarvar degan bola samolyot, mashinalar yasab, qator terib qo‘yganmish.

Qorbobo bolalarning aqlliligidan quvonib, ko‘chada bir o‘zi soqollarini silkitib, hassasini do‘qillatib o‘yinga tushibdi.

Qorbobo yo‘lga tushibdi, yo‘l yursa ham mo‘l yuribdi. Daryolardan, tog‘lardan oshibdi. Katta o‘rmonga boribdi. Keyin bir to‘nka ustiga o‘tirib olib, sovg‘alar yasabdi. Sovg‘alarni bitta qopga solib, yana orqasiga qaytibdi. U kelguncha tong ham otib qolibdi.

Qorbobo o‘sha kuni Azamat, Sarvar va boshqa bolalarni archa bayrami bo‘layotgan joydan topibdi. Ularga sovg‘alarni birma-bir ulashibdi. Bolalar xursand bo‘lib, Qorboboga bir ovozdan: «Rahmat, rahmat», – deyishibdi.

Shunday qilib, Qorbobo har safar yangi yil bayrami kuni kelib, bolalar bilan suhbatlashadigan, birga qo‘shiq aytib, o‘yinga tushadigan, ularga sovg‘a ulashib ketadigan bo‘libdi.






TEZ AYTISHLAR

Sanobar Saodatning sumkasiga sagich solganini sir saqladi.

* * *

Behzod «Bekinmachoq»ning bag‘riga berkingan bilimlarni bilvoldi.

# ДУНЁ НАФАСИ

## БАЙРАМ – ҚАРОҚЧИЛАР БИЛАН



300 га яқин денгизчи Янги йилни қароқчилар асири сифатида кутиб олишди.

Денгиз қароқчилиги кириб келган 2009 йилда ҳам кўпчиликни ташвишга солмоқда. Шу сабабли Россия ҳарбий денгиз флотига қарашли «Неустрашимый» кемаси Африка кўрфазида доимий қўриқчиликни давом эттириб, январь ойида Тинч океани флоти кемаси билан алмаштирилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, қўриқчи кема Адена кўрфази орқали хавфли деб ҳисобланаётган ҳудудлардан 50та кеманинг беталофат ўтишига ёрдам берган. Маълумки, «Неустрашимый» 2008 йилнинг октябри охирларидан бери Сомали ҳукуматининг рухсати билан мазкур миссияни бажариб келмоқда.

## БЕКХЭМНИНГ СОВҒАСИ



Янги йилда совға бериш ва олишни ким ҳам яхши кўрмайди, дейсиз. Энг муҳими, эътибор-да. Шуни ҳам айтиш лозимки, одатда машҳурлар қимматбаҳо совғалар беришни ёқтиришади.

Британиялик футболчи Дэвид Бекхэм ўғли Бруклинга Янги йилга ихчам, ғаройиб машина совға қилди.

«Porsche 550»нинг кичрайтирилган нусхасига дизель мотори ўрнатилган бўлиб, баҳоси 48 минг фунт, яъни тахминан 90 минг АҚШ долларига тенг.

«Бу пулга ҳақиқий «Porsche»ни сотиб олса бўларди», деб ёзади Turbo.ru сайти.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бир неча йил муқаддам машҳур футболчи рафиқаси Викторияга Бруклин ва Ромео исмли ўғилларни дунёга келтиргани учун 140 минг фунтга «Bentley» автомобилини туҳфа этганди.

## ЯНГИ ЙИЛНИНГ ИЛК ТОПИЛМАСИ



Янги йилни нишонлагандан сўнг дарҳол испан археологлари қазилмалар олиб бориш учун йўлга отланишади. Сабаби Янги йил арафасида Буэнос-Айресдаги Ла-Палата дарёси соҳилидаги тураржой биноси пойдеворини ўрнатаётган қурувчилар бу ердан ўн саккизинчи аср испан галеонига тегишли қолдиқларни топишди.

Кема қолдиқлари топилган жой илгари порт бўлган экан. Вақт ўтган сайин порт тупроқ билан кўмилган.

Археологларнинг фикрича, топилган кема 400 йиллик тарихга эга бўлиши мумкин. Кемада ғайритабиий бирор нарса йўқ. Гап замбараклар, мой ташишга мўлжалланган сопол идишларнинг яхши сақланиб қолганида.

Буэнос-Айрес мэрининг айтишича, топилма жойи ўраб олиниб, археологлар ишлаши учун шароит яратилади. Уй қурилиши эса давом этаверади.

## НИЯТЛАРИ – ОЗИШ, ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ



Кўпчилик америкаликлар Янги 2009 йилда ортиқча вазндан қутулиш, чекишни ташлаш, кўпроқ пул жамғариш ниятида. Ўтган йилда ҳам билдирилган истакларнинг дастлабки икки ўрнини тахминан шундайин ниятлар эгаллаганди. Учинчи ўринни эса «сайёранинг энг яхши инсони бўлиш» орзуси банд этганди. Эндиги сўровнома эса бу орзу еттинчи ўринга тушиб кетганини кўрсатяпти.

Ўтказилган сўровномада иштирок этганларнинг 64 фоизи Янги йилдан улкан умидлари борлигини билдиришган.

Уйда байрам дастурхони атрофида қандай Янги йил либослари кийиш борасида гап кетганда, кўпчилик, яъни 51 иштирокчи одатдагидек кийинишини билдирган.

## ПУГАЧЁВА ҲАМДА «СУББОТА» ЛАҚАБЛИ СИГИР

Таниқли санъаткор Алла Пугачёва Янги йилни қандай кутиб олди? Интернет сайтида тарқатилган хабарга кўра, у табиий ҳолда йилни қаршилашга аҳд қилган. Бу сигир йилини бу жонзот иштирокида қаршилаш, деганидир.

Қўшиқчи дўстлари даврасида бўладиган кечага «Суббота» лақабли сигир ҳам келтирилди.

Меҳмонлар қаторида шоу-бизнес олами Машҳурлари Максим Галкин, Илья Резниклар ҳам бор.

Янги йил кечаси Москва ёнидаги Крекшино қишлоғида, Александр Буйнов дала-ҳовлисида ўтказилди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### SMS орқали сафарбарлик

Исроил чегара полицияси матбуот хизмати резервчиларни сафарбар қилиш тўғрисидаги буйруқни илк бор SMS хабари орқали йўллайдиган бўлди. Ортда қолган ҳафтанинг чоршанба кунида кўплаб резервчилар мобиль телефонларига ана шундай хабар борганлиги борасида «NEWSru» сайти маълум қилди. Алоқа соҳасидаги дастурчи ва мутахассислар икки йил давомида мазкур ғояни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишади. SMS хабарни биринчи бўлиб Ғазо секторида яшайдиган фуқаролар олишади. Мабодо Сдерота фуқароси отишма пайти Тел-Авивда меҳмонда бўлса, хабар тарқатиш тизими дарҳол унинг қаердалигини аниқлайди ва унга SMS йўлланмайди.



### Контроль у правительства

В первый день 2009 года Ирак начал «новую жизнь»: контроль над безопасностью в стране перешел к правительству во главе с премьером Нури аль-Малики. Войска международной коалиции должны покинуть Ирак, за исключением американской армии, чье пребывание может продлиться еще три года. Из остальных стран лишь два государства – Великобритания и Австралия, подписавшие соглашения с Багдадом, могут оставаться в Ираке еще полгода.



### Ҳарбийлар ёрдамга шай

Янги йилнинг илк кунида Япониянинг шимолидаги Хонсю оролида 240 минг фуқаро қувурдаги авария туфайли сувсиз қолишди. Маҳаллий коммунал тизим ходимлари муаммони тезроқ ҳал қилишга уринишаётган бўлишса-да, 3 январь кунигина сув берилиши мумкин. Ичимлик суви аҳоли пунктига транспорт воситалари орқали етказилмоқда. Бироқ бу сув таъминотини тўла ҳал қилолгани йўқ. Шунинг учун префектура Мэри Аомори Синго Мура Япония мудофаа вазирлиги қуруқлик кучларидан ёрдам сўради. Ҳарбийлар ёрдам тариқасида 20 та сув ташийдиган машина ажратишни режалаштирмоқда.



### Евровалюте десять лет

Первого января 2009 года евро отметил свое десятилетие – первую круглую дату в своей короткой биографии. Первое десятилетие существования евровалюты показало, что страны ЕС переносят денежно-биржевые передряги лучше своих заокеанских конкурентов. Евровалютная система, естественно, не смогла полностью нейтрализовать кризисные явления, но она сумела эти негативные процессы приглушить.



### Рекорд нархдаги харид

Париж аэропортида Хитой халқ республикаси фуқароси «дюти-фри» дўконидан рекорд нархда харид қилди. Яъни сайёҳ 46 минг еврога французча шароб сотиб олди. Интернет сайтида ёзилишича, аввалига харидор аэропортнинг «Руасси» павильонидан 43 минг евролик ичимликни олгану, сўнгра яна қайтиб келиб, 3,3 минглик харид қилган. Маълум бўлишича, сотиб олинган шароблар ичида «Кот дю Рон», «Ля Таш» каби навларнинг 1991 йилги, «Лафит Ротшильд»нинг 1947 йилги, шунингдек, машҳур «Петрюс»нинг 1986 йилги ҳосили бор. Айтиш лозимки, бунгача «Руасси» да 2007 йилда рекорд харид қайд этилган бўлиб, у 23 минг еврога тенг эди. Буни қарангки, ўшанда ҳам харидор хитойлик бўлган.



### Автоэксперты предполагают

На итальянском сайте QuattroMania появились фантазии на тему, как может выглядеть новое поколение популярнейщего японского кроссовера «Toyota RAV4». В дизайне будущего автомобиля будут прослеживаться черты родственного «Lexus RX». А главными конкурентами новинки станут «Ford Kuga», «Volkswagen Tiguan» и «BMW X1». Под капотом внедорожника, вероятно, будет стоять 2,2-литровый дизельный двигатель, которым оснащается новая «Toyota Avensis». Развивать он будет 126, 150 или 177 л.с. Премьера нового «RAV4» может состояться в первой половине 2010 года.

(www.NEWSru.com).

# ТОШКЕНТ–2200

## ОРОМБАХШ МАСКАН

Пойтахтимиз марказидаги буюк соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи хиёбоннинг ўзига хос тарихи бор. XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент чор Россияси қўшинлари томонидан истило қилинганидан кейин шаҳарнинг янги қисмини бунёд этиш масаласи кўрилиб, бу ишни ҳарбий муҳандис А. Маркаров 1867 – 1870 йиллар давомида режалаштирган.

Ўша даврдан бошлаб бўлажак хиёбон атрофида маъмурий ва турар жой бинолари аста-секин қад кўтара бошлайди. 1875 йили банк биноси, 1878 – 1879 йилларда ўғил ва қиз болалар учун гимназия биноси (ҳозирги Тошкент Давлат юридик институти) қурилади. 1885 йили ҳарбийлар йиғин ўтказадиган бино (ҳозирги Офицерлар марказий уйи) ва бошқа турар жойлар тикланади. 1883 йили ҳозирги хиёбонга асос солинади. Хиёбонга манзарали эман ва чинор кўчатлари экилади.

1889 йилда ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етгач, хиёбон тошкентликлар, хусусан, юқори мартабали амалдорлар, офицерлар, савдогарлар ва уларнинг оила аъзолари ҳордиқ чиқариб, маданий дам оладиган масканга айланади.

Хиёбонда 1890 йили Туркистон ўлка ҳунармандлари кўргазма ва павильонлари ташкил этилган. Турли-туман ҳунармандчилик буюмлари билан тўлиб-тошган бу кўргазмаларни томоша қилиб, завқланган маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқат «Виставка хусусида» шеърида шундай ёзади:

Мингу саккиз юзу тўқсон эди йил,
Иккинчи сентябрь ойи яна бил.
Кириб виставкани қилдик томошо,
Ҳама ашё экан анда муҳайё.

Ўша йилларда хиёбонда ҳар хил кўнгилочар ва қизиқарли томошалар ҳам бўлиб турган, дорбозлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, курашчи полвонлар ўз санъатлари ва маҳоратларини томошабинларга намойиш этишган. Ўша вақтда чиқиб турган «Вестник виставки» газетасининг 1909 йил 1-сонида 1909 йилнинг кузида (сентябрь ойида) хиёбонда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги кўргазмасида Шайхонтоҳур даҳасидан Шомаҳмуд Шомуҳиддинов раҳбарлигидаги созандалар гуруҳи, кўкчалик Карим Абдисаломов ва Тоирқори Шодибековлар раҳбарлигидаги ўзбек милий театри, хушовоз ашулачи Мирзоҳид Отабеков ва ўйинчилар ҳам қатнашгани ҳақида хабар қилинган.

Тарихий хиёбон 1992 йилнинг майидан «Марказий хиёбон», 1993 йилнинг 31 августидан бошлаб эса Соҳибқирон бобомиз номи билан Амир Темур хиёбони, деб аталиб келинмоқда. Хиёбонда унинг сўнмас сиймосию жасурлиги, адолатпарварлигию инсонийлиги, юртпарварлиги тимсоли сифатида улуғвор ҳайкали савлат тўкиб турибди. Сал нарироқда эса Темурийлар тарихи Давлат музейи қад кўтарган.

Юртбошимиз Ислом Каримов 1993 йил 31 август куни Тошкент шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган маърузасида шундай деб таъкидлаганди: «Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз – жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди».

Бу тарихий масканда мустақиллик йилларида катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, Тошкент шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонлар учун чинакам дам олиш, ҳордиқ чиқариш масканига, ёшлар сайилгоҳига айлантирилди.

**Р. БОЙТИЛЛАЕВ.**

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВАТАНИ

Одамзод шу кунгача не-не ихтироларни яратмаган, кашфиётларга қўл урмаган, дейсиз. Уларнинг ичида башариятга фойдалилари ҳам, зарарлилари ҳам бор. XX аср бутун жаҳон тарихида оламшумул ихтиролар, техникавий яратмалар даври сифатида муҳрланди. Бу даврнинг энг буюк кашфиётларидан бири эса телевидениенинг пайдо бўлишидир.

Гарчи хориждаги мутахассислар бу борада «лом-мим» дейишмаса ҳам телевидениниенинг Ватани пойтахтимиз – шаҳри азим Тошкент саналади.

Тошкентнинг Шайҳонтоҳур даҳасидаги Бола масжид кўчаси 74-уйда (ҳозирги Навоий кўчасидаги 199-уй) Юсуфхон ака ва Ҳамза опа Мирзамуҳамедовлар хонадонида 1925–1928 йилларда тасвирни узатувчи ва қабул қилувчи электрон тизимга асосланган ҳозирги замон телевидениеси яратилиб, жаҳонда биринчи бўлиб ҳаракатдаги ҳақиқий телетасвирга асос солинган. Ўша пайтда эски шаҳардаги ҳовлилардан бирининг болохонасида икки ихтирочи Б. Грабовский билан И. Белянский истиқомат қилишарди.

Борис Грабовский Ўрта Осиё Давлат университетининг физика лабораториясидаги чизмаларни ҳам, Бола масжид кўчасидаги устахона асбоб-ускуналарини ҳам худди ана шу мақсадга йўналтирган. Бу ҳали ҳеч ким эриша олмаган режалар эди.

Университет профессори Гавриил Попов билан танишуви режаларининг амалга ошишини тезлаштирди. Унинг бой шахсий кутубхонасидаги илмий-техник асарларидан фойдаланиш телевидение сирларини очишда ёш ихтирочига қўл келди. Мазкур зиё масканида у Петербург технология университети профессори Розингнинг бу жабҳадаги тадқиқотлари, илмий ишлари билан танишади. Розинг ўзи яратган аппаратларда тасвирни масофага узатиш ва бошқа нуқтада уни қабул қилишга муваффақ бўлган эди.

1925–26 йилларда Гробовкий тасвирни муайян масофага узатишни амалга оширишга йўналтирилган бир қатор электрон асбоб-ускуналар яратади. Бу ускуналарни Тошкентдаги электр қуввати ишлаб чиқарадиган ҳамда ундан фойдаланадиган ўша пайтдаги ягона ташкилот «Тошгестрам»да , шунингдек, Ўрта Осиё Давлат университетнинг физика лабораториясида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) яратади.

1925 йилнинг ноябрь ойида Борис Гробовкий Петербург технология институтига Розинг ҳузурига боради. Тошкентлик ихтирочи олиб келган чизмалар ва уларга билдирилган изоҳлар билан танишган Розинг олимларни буюк муваффақият билан чин дилдан қутлайди ва дарҳол патент олиш учун буюртма бериш кераклигини айтади. Эртасига 1925 йилнинг 9 ноябрь куни ихтирочилар Попов, Грабовский ва Пискуновлар номига ихтиро ва кашфиётлар ишлари бўйича Давлат Қўмитасининг 4899-рақам билан рўйхатга олинган гувоҳнома берилади. Патент беришдан аввал эса махсус ташкил этилган гуруҳ томонидан ўзбекистонлик олимлар томонидан амалга оширилган ихтиро чиндан илм-фан тарихида янгилик эканлигига ойдинлик киритиш мақсадида бу соҳада дунё бўйича қилинган қарийб барча тажрибалар синчковлик билан ўрганиб чиқилади. Ниҳоят, 1928 йил Грабовкий, Пискунов ва Поповларнинг катодли «Телефот»ига патент берилади. Бу Тошкент «Телефот»ининг халқаро миқёсда дастлабки тан олиниши эди. Экспертлар хулосасига кўра 1925 йил 14 ноябрь куни куни Петербургдаги «Светлана» заводи тошкентлик ихтирочиларнинг буюртмаси бўйича «Телефот» электрон трубкасини тайёрлашга киришади.

Грабовский трубканинг нур тарқатувчи қисмини яратиб уни трубка ичга жойлаштиради. Шиша тайёрловчи уста эса махсус насос ёрдамида трубка ичидан ҳавони чиқариб вакуум яратади. Шундай усул билан телевидениенинг юраги – нур тарқатувчи электрон трубка вужудга келади. Аммо бу олимлар кутган натижани кўнгилдагидек адо этолмайди.

1928 йил 26 июль Тошкент вақти билан соат 12:00 да Ўрта Осиё округ алоқа станциясида Тошкент «Телефот»инииг расмий синов тажрибалари бўлиб ўтади. Аппаратнинг телетасвир тарқатувчи қисми қўшни уйнинг балконига ўрнатилади. Тасвир эфир орқали йўналтирилади. Муҳандис Григорьев 18 метр баландликдаги устунга антенна ўрнатди. Нур тарқатувчи электрон трубка ёрдамида телетасвир узатилиб қабул қилинади.

Ниҳоят, экранда Белянский қиёфаси кўринади. Тасвир тим қора рангда акс этарди. Бу оламшумул муваффақият эди.

**Мансур НИЁЗОВ тайёрлади.**



## ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИРОДАРЛАШГАН ШАҲРИ

**Ҳадемай пойтахтимиз ўзининг 2200 йиллик тўйини нишонлайди. Сиэтл Тошкентнинг биродарлашган шаҳри эканлиги ҳақида эшитганман. Иложи бўлса, бу борада кенгроқ маълумот берсангиз.**

**Сержант Н. ҲАСАНОВ.**

Кириб келган 2009 йилда 2200 йиллиги нишонладиган Тошкентимиз жаҳон мамлакатларининг кўпгина шаҳарлари билан биродарлик анъаналарини олиб боради. Тошкент билан Москва (Россия), Қозон (Россия), Стамбул (Туркия), Сиэтл (АҚШ), Карачи (Покистон), Берлин (Германия), Днепропетровск (Украина ), Остона (Қозоғистон), Олмаота (Қозоғистон), Скопье (Македония), Рига (Латвия), Пекин (Хитой) биродар шаҳарлар ҳисобланади. Буни қарангки, Тошкент ва Сиэтл шаҳарларининг биродар шаҳарлар мақоми эга бўлганига ҳам 35 йилдан ошибди.

Сиэтл – АҚШ нинг шимоли-ғарбида жойлашган Вашингтон штатидаги йирик денгиз порт шаҳридир. Шаҳар ўрнашган жойга биринчи бора Артур Денни бошчилигидаги европаликлар 1851 йилнинг 13 ноябрида кўчиб боришган ва ушбу манзилни Нью-Йорк Алки, яъни чинук шеваси бўйича «Бўлажак Нью-Йорк» деб аташган. 1953 йили Дэвид «Док» Мэйнард ушбу манзилнинг асосий қисмини ерлик қабилалар Суквамиш ва Дувамиш қабилалари бошлиқлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида Сиэтл деб номлашни таклиф этади. 1869 йилдан бошлаб шаҳар норасмий равишда «Қирол шаҳри» номи билан, сўнгра эса «Зумрадли шаҳар», «Аляска дарвозаси», «Ёмғирлар шаҳри» ва ушбу шаҳардаги оламга машҳур Boeing компаниясини назарда тутиб «Жет-сити» деган номлар билан ҳам юритила бошланган. Американинг кўпгина кофе тармоқларига Сиэтлда асос солинган. Шаҳар аҳолисининг 52,7 фоизидан кўпроғи олий маълумотга эга.

Шаҳар кўплаб трансконтиненталь магистралларнинг охирги манзилидир. Аляска билан бўладиган асосий боғланишлар асосан Сиэтл орқали ўтади. Бу шаҳарда саноат ишлаб чиқариш билан 150 мингдан ортиқ киши банд. Айниқса авиаракета саноат тармоғи яхши ривожланган: Сиэтл ва унинг ён атрофида (Рентой, Эверетт, Кент) фуқаро лайнерлари, ҳарбий самолётлар ва ракеталар (шу жумладан стратегик) «Боинг» компаниясининг заводлари бор. Ўрмон, ёғоч ишлаб чиқариш, целлюлаза-қоғоз саноати, балиқ, мева-чева, кема таъмирлаш, металлга ишлов бериш, автомобил йиғиш заводлари мавжуд. Балиқ овлаш флотининг базаси сифатида Сиэтл университетига 1851 йили асос солинган.

1973 йили Сиэтл шаҳрининг мэри хат йўллаб, биродар шаҳарлар бўлишимиз хусусидаги таклифни илгари суради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Тошкент собиқ иттифоқ республикалари шаҳарлари ичида биринчи бўлиб АҚШ нинг шаҳри билан биродарлашади.

Ушбу дўстлик бир қараганда унчалик мувофиқ эмасдек туюлади. Тошкент 2200 йиллик тарихга эга. Жойлашган ери қуруқлик билан ўралган ва Американинг шимоли-ғарбидан 6000 миль масофада. Сиэтл эса салкам 200 йиллик тарихга эга ва ҳар тарафидан сув билан ўралган. Хўш, унда биродарлашган мақомига нима сабаб бўлди? Таъкидлаш жоизки, мазкур биродарлик замирида халқимизнинг тинчликпарварлиги, бағрикенглиги мужассам. Яъни икки шаҳар биргаликда дунёда тинчлик бўлиши учун қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилиш мақсадида биродарлашган.

Масалан, 1983 йили ядровий урушнинг олдини олиш чақириғи ёзилган ва 42 киши имзолаган хат билан Сиэтл шаҳри вакили тошкентликларга мурожат қилганида, буни қўллаб-қувватлаб, шаҳримиз аҳолиси 120 минг имзо тўплаб берди.

АҚШ да ўзбек тилини ўрганиш ҳам анча яхши йўлга қўйилган. Бу хусусда охирги 50 йил давомида Ч.Бижер, Н.Поппе, А.Раунлар томонидан ўзбек тилини ўрганиш қўлланмаларининг нашр этилгани эътиборга сазовордир. Айниқса профессор Илза Сиртауснинг фаолиятини эслаб ўтиш муҳим. Бу аёл кўп йиллардан бери ўзбек тили бўйича илмий иш олиб боради. Олима ўзбек халқ эртакларини ҳамда ўзбек адабиётидан баъзи намуналарни инглиз тилида нашр этишга эришган. Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университетида ҳар йилги ёзги дастурга асосан америка ёшлари ўзбек тилини ўрганишади.

Сиэтлда «Майкрософт» компаниясининг асосчиси жаҳондаги энг бой одам Билл Гейтс яшайди. Охирги ўн йил ичида биргина «Майкрософт» компанияси юзлаб миллионерларни яратди. Бундан ташқари аэрокосмик технологиялар, телекоммуникациялар, биотехнологиялар ҳамда кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчилар ичидан ҳам кўплаб миллионерлар етишиб чиқишяпти.

Компьютер клубларида тармоқ ўйинлари сирларини эгаллашган ўзбекистонлик кўпгина 16–20 ёшли болалар 2007 йилнинг октябрида Сиэтлда бўлиб ўтган World Cyber Games жаҳон биринчилигида 70 давлат вакиллари қаторида иштирок этишди. Қувонарлиси шундаки, фарзандларимиз бу борада ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини намоён эта билишди.

Сиэтлда олий маълумотли одамларнинг нисбати катталиги шаҳарда юқори технологияли корхоналарнинг мавжудлиги билан асосланади. Шаҳар аҳолисининг маълумот даражаси қанчалик юксак бўлса, ҳаёт даражаси у ерда юқори бўлади, демакки иқтисодиёт ривожланади.

Хуллас, дунё ҳавас қилса арзигулик маънавий ва моддий бойликлари бўлган Сиэтлдек шаҳар билан Шарқнинг ўзига хос дарвозаси ҳисобланувчи пойтахтимиз Тошкент биродарлашгани билан фахрланамиз. Бундайин ҳамкорлик дўстлик, маданият, маънавият шаклланишига хизмат қилаверсин.

**Мансурхон ТОИРОВ.**

# ФАРОВОНЛИК

## DAEWOO INTERNATIONAL ЎЗБЕКИСТОНГА 40 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА САРМОЯ КИРИТАДИ

**Ўзбекистонда хорижий инвесторлар иштирокида нефть-газ тармоғи кенг кўламда ривожлантирилмоқда. Шундай ҳамкорлардан бири Daewoo International корпорацияси 2009–2011 йилларда Устюрт нефть-газ ҳудудида геология-қидирув ишларини ўтказиш учун инвестиция сарфлашни режалаштирмоқда.**

Шу мақсадда “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ва Daewoo International корпорацияси “2008 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг Устюрт ҳудудидаги Косқудуқ ва Ашибулоқ инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини ўтказиш бўйича битимнинг кучга кириши тўғрисида”ги протоколни имзолади.

Имзоланган ҳужжатга мувофиқ, Жанубий Кореянинг ушбу компанияси беш йил мобайнида шартномада қайд этилган майдонда геология-қидирув ишларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳужжат имзолангунга қадар Битимда кўзда тутилган барча дастлабки шартлар бажарилди. Ўзбекистонда оператор ташкил этилиб, рўйхатга олинди.

2009 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ, Daewoo International корпорацияси уч йил давомида геология-қидирув ишларига сарфлайдиган маблағ миқдори камида 40 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Жанубий Кореянинг яна бир неча йирик компанияси Daewoo билан бир қаторда ёқилғи-энергетика соҳасида амалга ошириладиган қатор муҳим лойиҳаларда иштирок этиш ниятида. Хусусан, Корея Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлик форумининг яқинда бўлиб ўтган иккинчи йиғилиши доирасида “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ва “DongHo ENC” компанияси ўртасида Ўзаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди. Ҳужжатда газ тақсимлаш, газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш соҳасида энг илғор технологик ютуқларни қўллаш ҳамда тегишли ахборот алмашуви бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Биринчи босқичда “DongHo ENC” томонидан ишлаб чиқилган табиий газни электрон ҳисоблаш тизими ва дастурий таъминот Ўзбекистоннинг ҳудудларидан бирида синовдан ўтказилади. Кейинчалик томонлар лойиҳани амалга оширишни давом эттириш хусусидаги масалани кўриб чиқади.

Бундан олдин “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси Жанубий Корея миллий нефть-газ корпорацияси (KNOC) билан ҳам Фарғона нефть-газ ҳудудидаги Чуст-Поп ва Наманган-Тергачи инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини ўтказиш тўғрисида битим имзолаган эди.

Мамлакатимиз замини ер ости ресурсларига бой. Айни пайтда республикамизда 210 та углеводород хомашёси кони очилган. Уларнинг 50 фоиздан ортиғида ўзлаштириш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, 35 фоизи ўзлаштириш учун тайёр, қолган конларда қидирув ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ресурслар ўзаро фойдали ҳамкорликдан манфаатдор кўплаб хорижлик шериклар эътиборини тортмоқда.

**(ЎзА).**



## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНГА 450 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТАДИ

**Осиё тараққиёт банки (ОТБ) қатор йиллардан буён иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, таълим, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳасида йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Яқинда ОТБнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлигига доир қисқа ва узоқ муддатли истиқбол режалари маълум қилинди. Ушбу банк яқин уч йил давомида Ўзбекистонга тахминан 450 миллион АҚШ доллари ажратишни режалаштирмоқда.**

Ўзбекистон ва ОТБ темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш борасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Марказий Осиё минтақавий транспорт йўлаги бўғинларидан бири бўлган асосий автомагистрални ривожлантириш учун ОТБ мамлакатимизга 75 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратди. Бу маблағ Ўзбекистонни Қозоғистон, Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган узунлиги 1204 километрлик Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов автотрассасини ривожлантиришга йўналтирилди.

ОТБ мамлакатимизда ташиладиган юкларнинг асосий қисми темир йўл транспорти улушига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда, ҳукуматимиз саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади ва темир йўл тармоғини ривожлантириш учун икки марта, умумий қиймати 140 миллион долларга тенг маблағ ажратди.

ОТБ 2008 йилнинг декабрида Ўзбекистон ҳукуматига сув ресурсларини бошқариш ва Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 100 миллион доллар миқдорида кредит ажратишга қарор қилди. Лойиҳада узунлиги 150 километр хўжаликлараро каналларни, хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги 500 километрдан ортиқ коллектор-дренаж иншоотларини қайта тиклаш, Фарғона ва Зарафшон водийси вилоятларидаги 150 минг гектардан ортиқ ерни суғорадиган саккизтагача насос станциясини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Лойиҳани амалга ошириш муддати тахминан олти йилни ташкил этади. Кредит тўғрисидаги битимни 2009 йилнинг бошида имзолаш режалаштирилмоқда.

Осиё тараққиёт банки томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Масалан, ОТБнинг “Қашқадарё ва Навоий вилоятларида сув таъминоти ҳамда санитария” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа оқова сувларни чиқариб ташлаш учун сув қувурлари тизимини барпо этиш ва ускуналарни модернизация қилишни назарда тутади. Бу қарийб 170 аҳоли пунктида сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилаш имконини беради. 2006 йилдан буён амалга ошириб келинаётган “Сув” лойиҳасини 2010 йилда якунлаш режалаштирилмоқда.

ОТБ 12 йиллик ҳамкорлик давомида Ўзбекистон Республикасига умумий қиймати бир миллиард доллардан ортиқ бўлган 26 кредит маблағи ажратди. Айни пайтда умумий қиймати қарийб 600 миллион долларни ташкил этадиган 16 та кредит маблағини ўзлаштириш давом этмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги, транспорт инфратузилмаси, ичимлик сув таъминоти тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, таълим ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон ва ОТБ ишончли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган. ОТБ мутахассисларининг фикрича, ҳозирги глобал молиявий инқирозга қарамай, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори кўрсаткичларини намоён этмоқда. Осиё тараққиёт банки экспертлари фикри асослидир. Негаки, ушбу нуфузли халқаро молия институти Ўзбекистондаги 12 йиллик фаолияти давомида миллий иқтисодиётимиз хусусиятларини яхши ўрганиб чиққан.

– Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий юксалиш аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатиши учун астойдил ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, – дейди Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги доимий ваколатхонаси раҳбари Хонг Вей. – Шу сабабли мамлакатингиз ҳукумати банкимиз билан ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишда ижтимоий масалалар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва бошқа муҳим тармоқларга катта эътибор қаратмоқда.

ОТБ экспертларининг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиёти келгусида ҳам юқори суръатларда ривожланади ва ушбу халқаро молия институти қўшма лойиҳалар ёрдамида мазкур жараёнга ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

**(ЎзА).**

# ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

**Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинганидек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Келажак овози – 2008» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ниҳоясига етди.**

Яхши биламиз, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг мевасини ёшларнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаётганлари, ўз қобилият ва салоҳиятини намоён этишаётганларида кўриш мумкин.

– «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик-танлови ёш авлоддаги илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган энг йирик ижодий лойиҳалардан эканлиги маълум. Истеъдод эгаларини аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг орзу ва интилишларини ҳаётга жорий этишда яқиндан кўмаклашиш, ёшлар онгига фидойилик, эл-юрт тақдири учун дахлдорлик туйғуларини чуқур сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мазкур ижодий танловдан кўзланган асосий мақсаддир.

Мазкур ижодий беллашув совриндорларининг республика ва халқаро миқёсдаги турли фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар, ижодий фестиваллар, дизайн ва мода ҳафталикларида муваффақият қозонаётгани, кўрикда юқори баҳоланган илмий-техник, инновацион лойиҳалар юртимиз ва хорижда ҳам эътироф этилаётгани диққатга сазовордир, – деб ёзади Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири.

«Келажак овози–2008» кўрик-танловининг якуний босқичида қарийб олти юз нафар йигит-қиз тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод, ахборот ва коммуникация технологиялари, архитектура ва дизайн, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, спорт каби йўналишларда ўз билим ва маҳоратини намойиш этдилар.

Таъкидлаш жоизки, танлов доирасида ёшлар учун илмий анжуманлар, семинарлар, жонли мулоқотлар, мода намойишлари, адабий-бадиий учрашувлар, мушоиралар, кўргазмалар, концертлар, маҳорат сабоқлари, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилдики, бу уларнинг дунёқараши янада кенгайишига, маънавияти бойишига хизмат қилди.

Бир сўз билан айтганда, танлов ёшларимиз орасидан янги-янги истеъдод эгаларини кашф этди, уларни янги-янги ғоялар, фикрлар сари руҳлантирди. Анна шундайин анъаналар таъсирида камол топаётган авлод ҳеч кимдан кам бўлмагай.

**Ўз мухбиримиз.**

# МАДАНИЯТ

Музыка в боевом строю

## БОЛЬШАЯ ПОБЕДА ГАРНИЗОННОГО ОРКЕСТРА

**Сержанта Шарифа Алимова знают и уважают в коллективе Термезского гарнизонного Дома офицеров как одного из настоящих фанатов военной музыки. С 1993 года служит он в гарнизонном оркестре. В этом году на Всеармейском смотре-конкурсе военных оркестров музыкальный коллектив Термезского ГДО, которым он руководит, занял первое место.**



Сержант Алимов «заболел» страстью к военной музыке еще раньше, в 1983 году, когда проходил срочную службу военным музыкантом. В 1985 году талантливый паренек из Термеза стал лауреатом Всемирного фестиваля молодежи и студентов в Берлине.

Вообще-то основным инструментом сержанта Ш. Алимова является скрипка. Но свой военный путь он начал в качестве кларнетиста. В 1998 году, возглавив военный оркестр гарнизона, первым делом ввел в его состав скрипку. Позже ведомый им коллектив стал исполнять и национальную фольклорную музыку из Байсуна.

— Понимаете, под мелодии наших гор, в которые так органично вписалась мелодия скрипки, и шагается солдатам бодрее, — уверяет сержант. И блеск вдохновения в его глазах заставляет поверить.

Эксперименты сержанта со строгими ритмами военной музыки на этом не ограничились. Позже он удачно совместил рок-музыку с узбекскими национальными мелодиями. А теперь на многочисленных концертах оркестр исполняет уже и финскую польку, и немецкую классику...

У последнего пристрастия гарнизонных музыкантов есть своя история. Дело в том, что однажды они встретились с коллегами из Германии. Немцы, безусловно, с первых аккордов были приятно удивлены, отмечая высокий уровень музыкальной культуры узбекских коллег. Совместный концерт военных оркестров надолго запомнился зрителям и слушателям.

— Гости тогда были восхищены не только нашей национальной музыкой, но и огромным духовным и культурным наследием, оставленным нам великими предками, — говорит сержант Ш. Алимов. Процесс разучивания новых мелодий требует активного участия в нем всех музыкантов. Но все же невозможно переоценить роль примы-кларнета младшего сержанта Шухрата Пулатова, саксофониста младшего сержанта Анвара Бахромова, виртуоза на валторне и дойре рядового по контракту Ахаджона Машрапова, кларнетиста рядового по контракту Михаила Калмыкова, тубиста рядового по контракту Бахриддина Караева. Это признанные лидеры, на которых равняются все остальные коллеги.

Но есть у коллектива и своя боль. Одна из застарелых проблем гарнизонного военного оркестра касается обновления музыкальных инструментов. Поскольку каждый музыкант решает ее на свой лад, разный металл дает нередко различное звучание. Есть и нехватка военных композиторов. В последнее время появилось немало хороших военных песен, но вот маршей и чисто военной музыки пока еще не хватает.

В череде служебных буден оркестра — выступления на сборах МПР, торжествах по случаю принятия Военной присяги, увольнения в резерв отслуживших солдат срочной службы, различных праздниках. И это верно, ведь музыка в боевом строю должна поднимать дух воинов, вдохновлять их на ревностное служение Отчизне.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

Туҳфа

**Юртимиз олиму алломалар, улуғ шоирлар гўшаси. Аждодларга муносиб ворис бўлиш эса авлодлар бурчидир. Қонда бори юзага чиқади, деганларидек, мустақил Ватанимизнинг ҳар жабҳада истеъдодли ўғил-қизлари бугун ўзлигини намоён этмоқда. Жаҳонгир Модуллаев ҳам мана шу истеъдодли тенгдошлари сафида ўқиб, ижод қилаётган ёш қаламкашлардан.**

**Жиззах вилоятининг Фориш туманига қарашли Уста қишлоғида вояга етган ёш ижодкорнинг шеърлари «Жиззах ҳақиқати», «Жиззах овози», «Адолат ёлқини» газеталарида чоп этилган. Жиззах шаҳридаги академик лицей ўқувчиси бўлган ёш истеъдод соҳиби ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими раиси Мақсуд Туробов ҳам илиқ фикрлар билдириб ўтди. Қуйида Жаҳонгирнинг Ватан ҳимоячиларига туҳфасини эътиборингизга ҳавола этамиз.**



**ОНА ЮРТИМ**

Тўхтамайди, тўхтамайди наволари,
Дуо қилар саждаларда момолари,
Тўқсон ёшу қўлда кетмон боболари,
Таърифлари осмонларга сиғмас юртнинг.

Бир чинорки, илдизларин қучган замин,
Бўй чўзмоқда кенг самога олмайин тин,
Қучоғининг ҳар зарраси дилга яқин,
Таърифлари осмонларга сиғмас юртнинг.

Озод ҳаёт нашидаси элга ғурур,
Ҳар одимда ўзга жило, ўзга сурур,
Дилларида минг ифтихор, чексиз шуур,
Таърифлари осмонларга сиғмас юртнинг.

Номи мангу, шаъни юксак, зиёдадир,
Сайр этсангиз айлагай маст зўр
бодадир,
Жаннат асли боғларидан бир
шодадир,
Таърифлари осмонларга сиғмас
юртнинг.

**ЎЗБЕГИМ ТЎЙЛАРИДА**

Давраларда кўнгиллар шод ўйнасин,
Ҳар ошиқки, ҳижрон юкин туймасин,
Ўзбекона анъанага ярашган,
Чимилдиқли тўйларидан қўймасин.

Палов тўра тортилиб дош қозонда,
Ўйин-кулгу бошланар тонг азонда,
Бахт қасрида икки ошиқ бахтиёр,
Паҳлавонлар беллашар бир томонда.

Созандалар чалар карнай, ноғора,
Аммалари сарпо билан оввора.
Қўшиқлари ажиб ҳавас кўйида,
Бўй-бўйлашиб келар қўлда тоғора.

Тугамасдан давом этар тантана,
Қувончларга тўлиб-тошар тўйхона.
Келин кўрди, келин салом, чимилдиқ,
Тўйни безар кўп муқаддас анъана.

Давраларда кўнгиллар шод ўйнасин,
Ҳар ошиқки ҳижрон юкин туймасин,
Ўзбекона анъанага ярашган,
Чимилдиқли тўйларидан қўймасин.

* * *

Юрак айвонига хумор кўз билан,
Яширин бир назар ташлаб қўйдингиз.
Ўзингиз билмасдан ширин сўз ила,
Ёлғизлик кўзларин кулиб ўйдингиз.

Ҳайрат қушларини қўлимда тутиб,
Йўлга термуламан кўзларим гирён.
Чарчадим, чарчадим ёр сизни кутиб,
Энди келмасангиз бошлайман исён.

Авф этинг, ҳув ғўрлар сотолмасин деб,
Қалбдаги чин ишқни ҳазилга йўйдим.
Излаганда ҳеч ким тополмасин деб,
Сизни юрагимга яшириб қўйдим.

**Жаҳонгир МОДУЛЛАЕВ.**

## ҚАЛБЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

**Янги йил байрами арафасида «Қалбимда Ватан мадҳи» мавзусидаги эстрада хонандалари кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Танлов «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан ташкил этилган бўлиб, иқтидорли ёш санъаткорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи, миллий қадриятларимизни мадҳ этувчи қўшиқларни оммалаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежида ўтган танловда иштирокчилар эстрада йўналишида истеъдод ва маҳоратини намойиш этди. Танловда Зарафшон шаҳар "Олтин водий" маданият уйи хонандаси Башорат Ражабова биринчи ўринни қўлга киритди. Навоий маданият ва санъат коллежи ўқувчиси Самандар Ҳамидов, Нурота туман маданият уйи хонандаси Муродулла Бегиев кейинги ўринларни эгаллади.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## НОВОГОДНИЙ ПОДАРОК ТЕАТРА

**Спектакль «Снежная королева», поставленный Бухарским областным кукольным театром, учащиеся смотрят с огромным интересом.**

Произведение по одноименной сказке Андерсена в постановке режиссера Лолы Сувондиковой повествует о таких вечных ценностях, как доброта, которая всегда побеждает зло. Образы, созданные талантливыми актерами театра Шерзодом Хасановым, Рушаной Муродовой, Бахтиёром Салимовым, Нодирой Рахматовой, Эльвиной Хамидовой, нравятся юным зрителям.

— Мы провели активную подготовку к новогодним мероприятиям, — сказал директор областного кукольного театра Юлдаш Кенжаев. — Праздничным подарком нашего творческого коллектива для малышей станут спектакли «Удивительное состязание» и «Новогодняя радость». Они будут представлены на Президентской елке во Дворце культуры областного центра.

**Э. ЯДГАРОВ,**
**корр. УзА.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

**(Тарихий романдан парча)**

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

Қибла ёқдан қирғоққа елиб келаётган Қорабайир кўзга ташланади. Қорабайир бир ўзи, орқасидан қувиб келаётган отлиқлар тўп-тўп.

Оёқларини узангига тираб эгардан бир-икки қарич кўтарилган султон эпчиллик билан ўгирилганча бот-бот камондан ўқ узиб келади. Бот-бот ёғий қулаб, отлари эгасиз қолиб боради.

Ўқлар ёмғирига чап бериб, ўйдим-чуқурларни, бало-офатларни писанд этмай Қорабайир қирғоқ сари елиб келаберади. Йўл сўнги қайда, билиб келаберади.

***

Қаҳрли тўлқинлар кемани тошли қирғоқ сари суриб боради. Бу ерда сув қирғоққа зарб билан урилади-да, сўнг орқасига қайтади, узоқ кетмайди, айлана келиб тағин қирғоққа сапчийди. Бу бетиним такрорланаберади. Гирдоб ҳосил бўлади. Қаърига не тушса, ютади.

Узоқдаги тўлқинлар унга «озиқ» келтириб туради. Гирдоб ютиб туради. Тўйдим демайди.

Тўлқинлар ўз елкаларида чархпалак қилиб келаётган кемани гирдоб оғзига тутади. Гирдоб уни айлантириб-айлантириб ўйнайди. Кема бир амаллаб унинг чангалидан чиқиб кетмоқчи бўлади.

Гирдоб ўйин тугади, дегандай қаттиқ силтанади-да, кемани ютабошлайди.

Кемадагилар бурдуқларини пеш тутиб ўзларини дарёга отадилар.

Ойчечан биби уларга ёрдам бериб туради. Келин ўзини сувга отишни асло истамайди. Қорасоч ҳам унга қўшилади. Ҳар иккаласини биби туртиб, умрларинг бўлса, яшарсанлар, дея кемадан аста итариб юборади.

Дарғалар ҳам бирин-кетин дарёга қулайдилар. Кемада ёлғиз Ойчечан бибининг ўзи қолади. Ҳаётга алвидо айтиб чўкиб боради.

Чўкаётган онанинг кўзлари соҳил бўйлаб елиб келаётган қора отга, унинг устидаги суворийга тушади. Она ўз ўғлини – Жалолиддинни танийди. «Болам!» деб қичқиради. Оғзи-бурнига кирган сув онанинг сўнгги сўзларини-да ютиб юборади.

Кема тўнкарилади. Қалқиб-қалқиб туради-да, кўздан ғойиб бўлади.

***

У кўрди. Чўкаётган кема, унда ғарқ бўлаётган волидаи муҳтарамасини кўрди.

Қулоқлари унинг болам, деган ноласини эшитди. Жигарбандларининг не бўлганини англади.

Унинг қалбида ёнаётган ўт гуриллаб кетганини, ич-ичини, суякларини куйдираётганини Қорабайир сезди. Бу ўт тафти эгардан ўтиб, отнинг бели-яғридан бошлаб туёқларигача ёндириб юборди. Қорабайир лағ-лағ оловга айланди.

Рўбарў келган ёвки бор, ёндириб-куйдириб йўқ қилиб бораверди.

***

Қорабайир билмасдики, бу дунёни ўт босса ҳам ёғий ёниб битмагай эди. Кўплиги шу қадар эди.

Султон буни яхши биларди. Аммо унга барча ёғийнинг эмас, балки бир қонхўрнинг – Чингизнинг жони керак эди. Юртини, элини хонавайрон айлаган, туққан юртидан, ота-онаси, боласидан, ёридан, биродарларидан жудо айлаган Чингизнинг боши керак эди унга. Қиличи Чингизни ахтарар эди.

Чингизхон эса султоннинг дарёдан бўлак ўтар йўли қолмагани сабабидан соҳилга элтадиган неча сўқмоқ бўлса барига тузоқ қуриб писиб турмоқда эди.

***

«Болам!»

Бу нидо дарёнинг тубидан отилиб чиқди. Кўкка ўрлади. Осмони фалакдан эшитилди. «Бо-ла-а-м!»

Қорабайир осмонга етмоқ истади.

Қанот чиқарди Қорабайир. Учмоқ бўлди. Шу пайт «болам», деган нола яна дарёдан эшитилди.

Қорабайир дарё томон елди. Отлар унга етолмади. Тузоқлар



унинг оёқларидан пастда, кўп пастда қолиб кетди. Чингизхон анграйганча қолди.

Қорабайир ўзини дарёга отди.

Эгарда қўрғошиндан қуйилгандек қилт этмай ўлтирган Жалолиддин тўлқинларни иккига ёриб дарёга қўнди.

Ҳаётида биринчи марта бўлса керак Чингизхоннинг кўнглида ҳавас уйғонди ва ўғилларига қараб деди:

– Ўғлунг бўлса, Жалолиддиндай бўлсин экан!

Бир дам ўтмай ҳавас ўрнини ғазаб эгаллади. Яна ўғилларига деди:

– Ул ҳали кўп мўъжизалар кўрсатажак. Дунёнинг қайси буржига бормасин, они кўздан қочирманг! – Сўнг ғазабдан титраб қўшиб қўйди: – Таг-томири ила қуритинг!

**(Давоми бор).**

Топилма

# РИЁЗИЙ САМАРҚАНДИЙ ДЕВОНИ

Ўтмишда Ватанимиздан етишиб чиққан кўплаб ижодкорлар асарларининг қўлёзма нусхалари ҳозирги кунда дунёнинг турли фондларида сақланиб келинмоқда. Ана шундай қўлёзмалардан бири XV асрда яшаб ижод қилган самарқандлик шоир Мавлоно Риёзий Самарқандий қаламига мансуб девон нусхасидир. Девоннинг қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Тирновали фондида 1476 тартиб рақами остида сақланмоқда. Биз ушбу қўлёзманинг электрон нусхасини 2008 йил 15-16 август кунлари Андижон шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган халқаро анжуманда иштирок этиш учун келган туркиялик бобуршунос олима Танжу Сайҳон хонимнинг кўмагида олишга муваффақ бўлдик.

Девон 31 варақдан иборат. Матн ҳошияга абрибаҳор услубида жило берилган қоғозга гўзал насталиқ хатида кўчирилган. Ғазаллар оралиғида анчагина бўш жой қолдирилган. Бунга сабаб ўша бўш ўринлар кейинчалик ҳошиядаги абрибаҳорга монанд тарзда қандайдир нақш ёки безак билан тўлдирилиши назарда тутилганлигидан бўлса керак. Девон оддий қилиб ишланган унвон билан бошланади. Унинг кўчирилган вақти, ўрни ва котиби ҳақида ҳеч қандай қайд учрамайди. Тахминимизча, котиб муаллифнинг ўзи бўлиши мумкин. Шуни ҳам қайд этиш ўринлики, қўлёзма гўзал хат ва безакларига эгалиги, уни шоирнинг бирор эътиборли мухлиси буюртмаси асосида китобат қилинганлигидан дарак беради.

Қўлёзманинг ҳар бир варағига 9-10 қатордан матн жойлаштирилган. Унда шоирнинг 97 та форс тилидаги ғазаллари жамланган бўлиб, улар асосан 5-6 байтли, баъзан 7 байтдан иборат бўлганлари ҳам учраб туради. Девон алифбо тартибида тузилган.

Риёзий Алишер Навоий билан замондош бўлиб, “Мажолис ун-нафоис”даги қайдларга кўра, тазкира муаллифи уни яқиндан билган ва ижодидан яхши хабардор бўлган. Жумладан, Навоий: “Мавлоно Риёзий самарқандлиғдир. Мутакаббир ва муъжиб киши эрди. Ғазални бағоят хуб айтур эрди. Жомеъул-фазойил ва муқавиюд-далойил киши эрди ва етти қалам билан хатни хуб битар эрди ва ҳам мулло ва ҳам ҳофизки, қуръони мажидни етти қироат билан билур ва ўқур эрди ва котиб ва ҳам шоир ва ҳам маолий эрди. Улум фанида ҳеч нимарса анға мажҳул қолмас эрди. Бу маъниға тахаллуси далилдурким, ҳар нимарсаким, хаёл қилса эрди, айтур эрди ва дер эрди ва боғлар эрди ва хуб тасниф қилур эрди. Илми мусқий ва адвор ва нужум ва истихрожи рамал ва ғайри золика ҳеч нимарсадин бенасиб эмас эрди”, – дея шоирнинг бир қатор илм соҳаларидан хабардорлиги, шу билан бирга ўз фикридан осонлик билан қайтмайдиган киши бўлганлигини ёзади. Риёзийнинг феъли билан боғлиқ тарзда: “Бу ғарро матлаъ анингдурким”, – деб қуйидаги матлаъни келтиради ва икки мисра ўртасида боғланиш бўлмай қолганлигини ёзади:

**Ситораест дури гўши он ҳилол абрў,**
**Зи рўи ҳусн ба хуршид мезанад паҳлў.**

Таржимаси:

**У ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу, бир юлдуздир,**
**ҳусн юзасидан қуёшга ёндашиб туради.**

Навоий яна давом эттириб, икки мисра ўртасида боғланиш ҳосил бўлиши учун битта “ки” эргаштирувчи боғловчиси лозимлигини айтиб, матлаъни мана бу тарзда ўзгартиришни таклиф қилганлиги, лекин Риёзий буни қабул қилмаганлигини қайд қилган:

**Зи рўи ҳусн дури гўши он ҳилол абрў,**
**Ситораест ки бо моҳ мезанад паҳлў.**

Таржимаси:

**Ҳусн юзасидан ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу**
**шундай бир юлдуздирки, ой билан ёндашиб туради.**

(С. Ғаниева таржималари).

Дарҳақиқат шоир девонида Навоий келтирган матлаъли ғазал мавжуд бўлиб, олти байтдан ташкил топган. Лекин девон қўлёзмасида матлаъ тазкирада кўрсатилганга қараганда бироз ўзгариш билан берилган ва у мана бундай:

**Ситора нист дар гўши он ҳилол абрў,**
**Зи рўи ҳусн ба хуршид мезанад паҳлў.**

Таржимаси:

**У ҳилол қошлининг қулоғидаги юлдуз эмас,**
**(Балки у) ҳусн юзидан қуёшга ёндашиб турибди.**

Шуни қайд этиш лозимки, Навоий шоир ғазалининг фақат матлаъси борасида фикр билдириб, кейинги байтларнинг тўлиқ матни ва сони, улар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида бирор маълумот келтирмаган. Бизнингча, шоир гарчи Навоийнинг матлаъ юзасидан билдирган фикрини тўла қабул қилмаган бўлса ҳам, унга кейинчалик бироз ўзгартириш киритган ва бу ғазалнинг кейинги байтлари билан боғланиши ҳам ўз ўрнига тушган бўлиши мумкин. Лекин ҳозирча бу масалага ойдинлик киритиш учун ғазал матнининг тазкирага киритилганга қадар тўлиқ варианти қандай бўлганлигини билмаймиз. Шунингдек, девон қачон тартиб берилганлиги, ғазалнинг унга қанчалик ўзгариш билан киритилганлиги юзасидан фикр билдириш имкониятига эга эмасмиз.

Бевосита девон хусусида гапирадиган бўлсак, юқоридаги тахминимизга кўра, қўлёзма котиби Риёзийнинг ўзи бўлиб чиқадиган бўлса, у Навоий қайд қилган даражада ҳуснихат соҳиби эканлиги кўринади. Шоирнинг девонга кирган шеърларининг асосий қисми якпора ғазаллар бўлиб, ишқ-муҳаббат мавзуига бағишланган. Риёзий севгилисининг гўзаллиги, ҳижрон азоби, висолнинг тотли лаҳзалари сингари ишқий кечинмалар билан боғлиқ ҳолатларини муболаға, ташбиҳ, тамсил, муқобала, киноя, тажнис, ийҳом, таносуб, иштиқоқ, тазод сингари шеърий санъатлар асосида баён қилиб, китобхоннинг завқи ва латиф туйғуларини жонлантиришга уринади.

Хулоса қилиб айтганда, Мавлоно Риёзий Самарқандий девони қўлёзмасининг топилиши нафақат XV асрда яшаб ижод қилган яна бир ватандошимизнинг ижоди билан танишиш, балки унинг асарлари мавзу мундарижаси, бадиийятини ўша даврда яшаб ижод қилган бошқа ижодкорларникига қиёслаш, ўз ўрнида кейинги давр қалам аҳлининг асарларига таъсири масаласини ўрганиш ва илмий хулосалар билдириш имконини беради.

**Жалолиддин ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар Академияси**
**Алишер Навоий номидаги**
**Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими,**
**филология фанлари номзоди.**



# МАЪНАВИЯТ

Ифтихор

## ҚАЙГА БОРМАЙ, БОШДА ДЎППИМ...

Миллатимиз маънавияти, маданияти, миллий қадриятларимиз ҳақида фикр юритганимизда, албатта, эркакларимиз ва аёлларимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турувчи миллий либосларимиз – атласу адрас кўйлаклар, беқасаму банорас тўнлар, шоҳи белбоғлару бир-биридан гўзал ва бетакрор дўппиларимиз ҳақида фахр билан гапиришимиз табиий ҳол.

Қадимда момоларимиз уйда ўтириб чиройли дўппилар тикишган, уларни бозорга олиб чиқиб сотиб, ҳалол меҳнатлари билан рўзғор юритишга кўмаклашган. Шу тарзда дунё халқларини ҳали-ҳануз ҳайратга солиб келаётган ўзбек дўппилари пайдо бўлган.

Ўзбек дўппилари!

Сирли нақшлар, суратлар тарихини ўзида мужассам этган санъат маҳсули. Марғилон дўппилари, Чуст дўппилари, ироқи дўппилар, гилам дўппилар, лолагул дўппилар... Хуллас, санайверсак турлари ҳам жуда кўп. Уларнинг нозик нақшларида ёшлик ва муҳаббат қўшиқларини ўқиётгандек бўлади, киши. У фақат гўзаллик тимсолигина эмас, балки миллат ғурури, миллат фахри ҳамдир. Зеро, ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек:

**Қайга бормай, бошда дўппим,**
**Ғоз юрарман гердайиб,**
**Олам узра донғи кетган,**
**Ўзбекистон, ўзбегим...**

Дўппичилик ҳунари жуда кўҳна бўлиб, у момолардан қизларга, сўнг набираларга ўтиб келган.

XIX асрнинг бошларига қадар дўппиларнинг шакли конуссимон, учли кўринишда бўлган, кейинчалик улар тўртбурчак, думалоқ шакл олган. Шунингдек, илгарилари жияклари кенг бўлса, эндиликда жияклари ингичка тикилади. Дўппилар иқлим шароитига мослаб, турли кўринишда тикилган.

Эркаклар кийишига мўлжалланган андижон дўппилари қора ипак, сатиндан, астари пахтадан тайёрланган матодан, кизагининг четига ярим ипакдан тайёрланган лента – жияк тикилган. Қўл меҳнати ёрдамида дўппиларнинг тепа қисмига оқ ипак ип билан «илмоқ» ва «йўрма» чокида кашта тикилган. Шакли тўрт томонли. Каштанинг «бодом нусха»си қўлланилган. Унинг тагида «қўшгажак» нусхаси ҳам ишлатилган. Кизагининг ҳар тарафига тўрттадан «меҳроб» тикилган бўлиб, ичига «зулук» ва «турна» каби кашта нусхалари оқ ипак билан тикилган.

Бухорода эркаклар дўпписи – кулоҳлар ҳам истеъмолда бўлган. Бундай бош кийимларига бўз, сатин матолар ишлатилган. Матони уч қават қилиб, юзасидаги каштаси қўлда «тагдўзи» усулида, «ироқи» чокда ипак иплар билан тикилган. Кизаги кашта йўли орқали ажратилган тўрт томонли, баланд, гумбаз шаклида бўлган. Кашта фонлари асосан оқ ипакда, кизаги араб ёзувлари билан безатилган. Бухорода аёллар, қизлар кийишига мўлжалланган дўппилар асосан оқ бўзга, сариқ сатинга, турли рангдаги бахмалга «зардўзи – гулдўзи», «зардўзи – заминдўзи» усулида тайёрланган.

Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Косон дўппилари алоҳида кўринишга эга. Бу ерлик халқ дўппиларни қалпоқ деб аташади. Аврасига ва астарига сатин, чит ҳамда бўз матолар ишлатилган дўппиларни тайёрлашда «пилтадўзи» усули қўлланилган. Бундай дўппилар «тўлдирма» дўппилар деб аталган. Тўлдирма дўппилар билан биргаликда халқ бошидан туширмай, севиб киядиган гилам дўппилар ёки «ироқи» дўппилар ҳам кенг истеъмолда бўлган.

Гилам дўппилар, «ироқи» дўппиларнинг кўриниши думалоқ, тепаси конуссимон ясси ёки конуссимон чўнқайган ва баъзилари гумбаз шаклида баланд қилиб тикилган. Тепаси чўнқайган дўппиларнинг кизаги ҳам энли бўлган. Бундай дўппиларга гул тикишда «тагдўзи» усулидан фойдаланилиб, «ироқи», «санама ироқи», «илмоқ» чокида кашта тикилган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб аёллар кийишига мўлжалланган тўртбурчак шаклдаги, учбурчак қатланадиган «ироқи» дўппилар ҳам кенг тарқалган. Бундай дўппилар «пилтадўзи» усулида тайёрланган.

Наманганда XIX асрнинг бошларидан бошлаб Чуст дўппилари удум бўлди. Дўппиларнинг авраси қора сатиндан, астари пахта матодан тайёрланади. Кизагининг четига қора пахта ёки ипак ипдан тайёрланган «чалма» жияк ишлатилган. Дўппиларнинг шакли тўртбурчак, тепаси тўрт томонли, ясси, учбурчаксимон қатланади. Техникаси «пилтадўзи», қўл чокида тикилади. Қўл кашта чокининг «хомдўзи», «чамак», «илмоқ», «чиндахаёл» каби турлари ишлатилади.

Фарғона дўппичилигида эркаклар кийишига мўлжалланган Чуст дўппиларидан кейин, уларга ўхшатма қилиб Марғилон дўппилари яратилди. Марғилон дўппиларига ҳам асосан қора рангдаги сатин ва ипак матолар, астарига пахта мато ишлатилади. Марғилон дўппиларининг ҳам тепа қисми тенг тўрт бўлакларга ажратилиб, тўрт каржига тўрт дона қалампир нусха тикилган. Марғилон дўпписининг қалампир нусхаси Чуст дўппиникига нисбатан ингичкароқ ва кашта тикиш усули бошқачароқдир.

XIX асрнинг ўрталаридан кейин хотин-қизлар кийишига мўлжалланган Марғилон дўппилари кенг тарқалди. Уларнинг аврасига канва ёки тўр мато, астарига пахтадан матолар ишлатилган. Дўппиларга «пилтадўзи» усули қўлланилган, пилта қоғоздан қуйилган. Авраси учун танланган матога «тагдўзи» усулида «ироқи», «санама ироқи» қўл чокида гул тикилган.

Самарқандда Ургут дўппилари ҳар даврда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Кўриниши думалоқ, кизаги баланд бўлган бу дўппиларнинг авраси кўпинча қора сатин, астари пахтадан қилинган матолардан тайёрланиб, кизагига попук қадалган. «Пилтадўзи» усулида тайёрланган кашталари асосан «канда хаёл», «йўрма» қўл чокида рангли ипак ёки пахта иплар билан тикилган. Худди шундай дўппиларни ёш болалар ҳам кийишган. Уларнинг дўппиларига тикилган гулларнинг орасига ялтироқ металл «баргак»лар ва мунчоқлар қўшилган.

Сурхондарёда «Пилтадўзи» («тўлдирма»), «Тангача» («пулакча») деб ном олган дўппилар кенг тарқалган. «Тўлдирма» дўппиларга кашта қўл чокининг «санама текис чок»и ёрдамида рангли ипаклар билан пилта чизиқлари бўйлаб тўлдирилади. Бахмалга сариқ ва гулоби рангдаги ипаклар билан тангача кўринишдаги нақшлар тикиб тайёрланиладиган бош кийимларни эса «пулакча» ёки «тангача», баъзан «лолагул» дўппи, деб ҳам атайдилар.

Хотин-қизлар кийишига мўлжалланган мунчоқли дўппиларнинг ҳам шакли думалоқ бўлиб, усти ва кизагига майда мунчоқлардан гул тикилади. Сурхондарё дўппиларига «йўрмадўзи» усулида тикилган жияк қадалиб, безатилади. Дўппиларнинг жияги алоҳида тайёрлаб олинади. Эркак ва аёллар дўппиларига мўлжалланган жияклар уларнинг гул нусхаларига қараб фарқланади.

Ўтган асрларда Тошкентда эркаклар кийишига мўлжалланган дўппиларнинг кўплаб турлари бўлган. Баъзилари тўрт томонли, тепаси конуссимон. Кизак четига кенг жияк (эни 4,5 см. гача) тикиладиган дўппилар бўлиб, уларга оч ва тўқ яшил ипак матолар, сатин, баъзида яшил бўз ҳам ишлатилган.

Аёллар кийишига мўлжалланган дўппиларнинг яна бир хили «ироқи» дўппилардир. «Ироқи» чокли кашта тикилган бундай дўппилар тўртбурчак, кизаги унчалик кенг бўлмаган. Хоразмда хотин-қизлар кийишига мўлжалланган дўппилар кенг қўлланган. Думалоқ тепаси ясси, кизаги баланд дўппиларнинг кизак четига баъзида кенг, баъзида ингичка қизил тўқилган жияк тикилган. Жиякларнинг четига попук қадалган.

Халқимиз кўпинча энг азиз ва яқин кишиларига бош кийимлар совға қилишади. Бошга кийилган дўппилар эса бировга берилмайди. Дўппилар рамзий маънода эҳтиёт қилиниб, доимо озода ва баланд жойда авайлаб сақланади.

Халқимизда «азиз бошинг омон бўлсин», деган ибора бор. Дўппилар шунчаки бошига кийиб юриладиган нарса эмас, балки турли ташқи таъсирлардан асрагувчи буюм сифатида муҳим аҳамият касб этган.

Маданиятимиз тарихи қатларига чуқурроқ кириб борганимиз сари сержило кенг гулшанга кириб бораётганимизни сезаверамиз. Бу гулшанда ҳали кўрилмаган мўъжизаларнинг гувоҳи бўлаверамиз.

**Д. МУРОДОВА.**



Ривоят

## ТУЗ ҲАҚИ

Кунлардан бир кун Мовароуннаҳрнинг чапдаст ўғриларидан бири Нишопурга келди. Унинг айёрликда тенги йўқ эди. Ўғри каттароқ ўлжани қўлга киритмоқ қасдида теварак-атрофини кўздан кечира бошлади. Ниҳоят, султон хазинасининг қаердалигини аниқлади. Хазинага кириш учун ўзида бўлган барча ҳийла ва найрангларини ишга солди.

У ер остидан лаҳм (нақб) қазиб, хазинага кирди. Хазинадаги жавоҳирлардан кўтарганича олиб лаҳм тешигига келтирди. Қоронғи кечада у ерда бир оқ нарсани кўрди – шуъла сочиб товланарди. Ўғри ўз-ўзига дерди: «Шояд одамлар айтадиган гавҳари шамчироқ шу бўлса, бинобарин буни олмоқ даркор, токи бадавлат бўлмоғимга сабаб бўлғай». Ўғри уни қўлига олди ва ушлаб кўриб нималигини била олмади. Ниҳоят, татиб кўриб мазасини билди. У бир бўлак туз эди. Тузни бир вақтлар хазинага келтириб қўйган эдилар.

Ўғри тузнинг мазасини татиб кўргач, яна ўз жойига олиб бориб қўйди ва кўтариб чиққан жавоҳирларни ўша жойга ташлаб, ўзи лаҳмдан чиқиб жўнаб кетди. Эртаси кун султонга хабар келдики, бир гуруҳ ўғрилар лаҳм қазиб, хазинага кирибдилар. Аммо ҳеч нарса олишмабди. Султон ҳайрон бўларди: «Ажабо, лаҳм қазисалар, хазина устига етиб борсалар-да, ҳеч нарса олмасалар?!»

Шундан сўнг, султон шаҳарга жарчи қўйди. Жарчи ҳар қадамда: «Халойиқ, ораларингизда кимки бу ишни қилган бўлса, қўрқмасдан султон ҳузурига борсин, жавоҳирларга етишган чоғда нима учун олмай чиқиб кетиш сабабини ростгўйлик билан баён қилсин! Жазога тортилмайди ва гуноҳи кечирилади», деб жар соларди. Жарчилар бир неча кун шаҳар айланиб жар солдилар.

Мазкур воқеадан бир ҳафта ўтгач, ўғри султон ҳузурига борди ва деди: «Бу ишни ёлғиз мен қилганман». Султон сўради: «Нима сабабдан жавоҳирларни олиб кетмадинг?». Ўғри жавоб берди: «Қоронғида хазина эшиги ёнида бир оқ нарсага кўзим тушди. Бу нарса шояд гавҳари шамчироқ бўлса, деб гумон қилдим ва уни олиб татиб кўрдим. Маълум бўлдики, туз экан. Ўзимча, зотан, султон тузини татиб кўрдимми, энди туз ҳақига риоя қилмоқ мардлик ва мурувват мазҳабида вожибдир, деб билдим. Шундан сўнг, жавоҳирлардан воз кечиб, қуруқ қайтиб чиқдим».

Султон бу сўзни эшитгач, уни эъзозлади ва юқори мартабаларга кўтарди ҳамда эллик минг динор инъом қилди.

Қиссадан ҳисса шуки, тўғрилик, ҳалоллик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик каби эзгу хислатларга эга бўлган, нафс қутқуси билан эмас, виждони, қалб буйруғи билан юрадиган кишиларга ҳамиша омад ёр бўлгай ва бир умр эҳтиром ва эъзозга лойиқ бўлгай.

**Салоҳиддин КОМИЛ ўғли тайёрлади.**

# СПОРТ

Кўкрак нишони соҳиблари

## МАҚСАД САРИ ИНТИЛАР ПОСБОН

**Бугун шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, ҳаёт мактаби, деб аталмиш армия ёшларимизнинг жисмонан ва маънан шаклланишларида, жамиятда ўз ўринларини топиб олишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.**




Дарҳақиқат, бугунги посбоннинг дунёқараши кенг, ҳам руҳан, ҳам жисмонан етук, салоҳияти юксак. Оддий аскарлар Шуҳрат Эрхонов ва Бекзод Муқимовлар ҳам ана шундай мард ва жасур посбонлардан ҳисобланишади.

Бу икки посбон ҳайдовчи вазифасида хизмат қилиб, ўзларига ишониб топширилган жанговар машинанинг доимий шайлигини, созлигини таъминлаб келишяпти.

– Хизматни бошлаганимга кўп бўлмаган бўлса-да, – дейди оддий аскар Эрхонов, – армия ҳаётига кўникиб қолдим. Тажрибали офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштириб, юрт посбони деган шарафли номга муносиб бўлишга ҳаракат қилаяпман.

– Оддий аскарлар Муқимов ва Эрхонов гуруҳдаги энг илғор посбонлардан, – дейди кичик сержант Мухтор Арооров. – Ижтимоий-сиёсий, жанговар ҳамда жисмоний тайёргарлик машғулотларида ҳамиша олдинги сафда бўлишиб, сафдошларига ўрнак бўлиб келишаяпти. Шунингдек, ҳайдовчилик сир-асрорларини ҳам мукаммал эгаллаган посбонлар ўз маҳорати ва билимини намоён этишиб, жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

– Ҳарбий хизмат менга кўп нарсани ўргатди, – дейди оддий аскар Б. Муқимов. – Қишки мавсум ўқув машғулотларини кўтаринки руҳда



бошладик. Маҳоратимизни, билим ва кўникмаларимизни оширяпмиз. Дала-ўқув машғулотларида фаол қатнашиб, вазифам бўйича эгаллаган билимларимни амалиётда синаб, янада бой тажрибага эга бўляпман.

Жорий йилда қисм ва бўлинмаларда 16-оммавий спорт ишлари кўриги ўтказилганидан хабарингиз бор. Лавҳамиз қаҳрамонлари ҳам бу жараёнда фаол қатнашиб, илғорлар сафидан жой олишди ҳамда «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Шуҳрат спортнинг баскетбол ва енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб боради. Жисмонан камол топган йигит армияга қадар вилоятда ёшлар ўртасида ўтказилган баскетбол бўйича чемпионатда қатнашиб, ўз жамоаси билан фахрли биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган. У спорт устаси тоифасига эга.

Бекзод эса муай-тай билан ёшлигидан шуғулланиб келган. 2005 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этиб, ўз вазн тоифасида 3-ўринни қўлга киритган.

– Армия менинг ҳаётимда кўп ўзгаришлар ясамоқда, – дейди Шуҳрат. – Ватан ҳимоячилари куни арафасида қисмимизда оммавий спорт тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Унда спортнинг бир қатор турлари бўйича якка тартибда ва жамоа бўлиб баҳслашамиз. Шунингдек, келажакда ўз ўрнимни топишимда, орзу қилган касбим эгаси бўлишимда бу мактабнинг ўрни ниҳоятда катта бўляпти. Олдимга қўйган мақсадларимга эришиш учун бор кучим, билимимни аямасдан ҳаракат қиламан.

**Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
**суратга олган.**

## БАЗА ДЛЯ ВЫСОКИХ РЕЗУЛЬТАТОВ



Подводя спортивные итоги 2008 года, нельзя не отметить, что наряду с проходившими в Пекине Олимпийским играми, на которых высокие результаты показали и представители МХСК, большую роль в популяризации спорта и повышении уровня физической подготовки каждого военнослужащего сыграли III Всеармейские игры по военно-прикладным и олимпийским видам спорта, а также 16-й смотр спортивно-массовой работы.

В нашей газете уже было опубликовано немало материалов, рассказывавших о лучших частях и подразделениях, добившихся по итогам года высоких результатов, отличных спортсменах и умелых организаторах спортивно-массовой работы в воинских коллективах.

Однако среди отличившихся по итогам 16-го смотра спортивно-массовой работы в войсках МО РУ в 2008 году названо немало военнослужащих, лично не занимавших высокие ступени на пьедесталах почета, но, тем не менее, внесших большой вклад в обеспечение благоприятных условий для вовлечения военнослужащих в регулярные занятия спортом, выполнение ими требований военно-спортивного комплекса (ВСК) и разрядных норм по военно-прикладным видам спорта.

Так, среди награжденных Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан есть и начальник спорткомплекса Министерства обороны подполковник Назиржон Валиев.

Спортивный комплекс Министерства обороны хорошо известен как любимое место проведения спортивных занятий по самым различным видам спорта не только офицерам Министерства обороны, но и военнослужащим всего Ташкентского гарнизона. Вся его работа направлена на дальнейшее развитие спорта, повышение уровня физической подготовленности военнослужащих, воспитание у них высоких морально-волевых и психологических качеств.

Офицер Валиев и его подчиненные много делают для поддержания высокого уровня боевой готовности в частях и подразделениях центрального подчинения, развития и популяризации военно-прикладных видов спорта, широкой пропаганды массового спорта, как важного средства воинского обучения и воспитания личного состава.

Нельзя не отметить и большую роль спортивного комплекса в привлечении к занятиям спортом членов семей военнослужащих. Можно смело сказать, что многие будущие знаменитые спортсмены сделали свой первый шаг в большой мир спорта с занятий в спортивных секциях спорткомплекса.

Высокая оценка труда военнослужащего всегда радует, вдохновляет на новые дела и свершения.

– В следующем году у нас большие планы по дальнейшему улучшению и расширению работы, – говорит подполковник Н. Валиев. – Предстоит большая организаторская работа по подготовке и проведению 17-го смотра спортивно-массовой работы. Приложим все силы, чтобы совместно с Управлением боевой подготовки Министерства обороны, МХСК, спорткомитетами военных округов и воинских частей Ташкентского гарнизона способствовать повышению методической подготовленности командиров всех степеней по организации массовых состязаний. У нас начинает работу секция таэквон-до для любителей боевых искусств и восточных единоборств, намечен ремонт бассейна, дальнейшее благоустройство спортивных площадок и территории. Наш коллектив сделает все, чтобы в новом году создать самые благоприятные условия для занятия любимыми видами спорта всем военнослужащим и членам их семей.

**Майор З. ХАЙРИДДИНОВ.**
**Фото автора.**

Поздравляют звезды спорта

## ЭТО БЫЛ СЧАСТЛИВЫЙ ГОД!

Прошедший 2008 год ознаменовался для армейских спортсменов большими достижениями. В их честь Государственный флаг Узбекистана неоднократно поднимался на Олимпийских играх в Пекине, Государственный гимн стал хорошо известен любителям спорта на всех континентах. Что хотели бы пожелать читателям «Ватанпарвара» наши прославленные спортивные звезды в новом 2009 году?

**Лейтенант Екатерина Хилько – бронзовый призер Олимпийских игр 2008 года по трамплину:**

– Как и всех граждан независимого Узбекистана, нас, армейских спортсменов, радует, что наша страна уверенно становится мощной спортивной державой. Олимпийские игры в Пекине показали, что благодаря целенаправленной работе руководства страны по укреплению здоровья народа, активное вовлечение сотен тысяч молодых людей и подростков в занятия спортом, растет ее спортивный потенциал.

Я желаю каждому военнослужащему в новом году успехов в благородном труде по защите нашей Родины. А молодежи советую – занимайтесь спортом!

**Лейтенант Ришод Собиров – бронзовый призер Олимпийских игр 2008 года по дзюдо:**

Спорт и боевая готовность – неразделимы. Только хорошо подготовленный физически, сильный, ловкий и выносливый военнослужащий может одержать победу в современном бою. Накануне всенародного праздника – Дня защитника Родины – я призываю всех читателей «Ватанпарвара» стать в ряды армейских спортсменов. Физподготовка и спорт помогут вам укрепить здоровье, значительно повысить работоспособность, добиться новых успехов в боевой учебе и воинской службе.

**Капитан Дильшод Махмудов – чемпион мира среди военнослужащих, серебряный призер Кубка мира по боксу:**

– Как участник многих состязаний среди военнослужащих должен отметить, что спортсмены МХСК на равных состязаются на мировых аренах с военнослужащими из самых передовых армий мира и одержали в этом году немало побед.

В наших Вооруженных Силах созданы все условия для роста спортивного мастерства военнослужащих срочной службы, офицеров, сержантов, рядовых по контракту и членов их семей.

Пусть каждый поставит себе цель – достичь в новом году новых рубежей, стать чемпионом группы, взвода, воинской части, округа! И успех придет! С наступающим Новым годом! С всенародным праздником – Днем защитников Родины!

# СПОРТ

Шижоат майдони

## САМАРКАНДЦЫ В ФИНАЛЕ

**Накануне Нового года стали известны имена еще одних финалистов соревнований «Шижоат майдони». Ею стала команда «Омад» СВВАКИУ, которая одержала убедительную победу над «Фазогиром» из ДВВАУ.**






Спортивная база Ташкентского высшего общевойскового командного училища давно стала центром больших спортивных баталий. В ТВОКУ, не будет ошибкой, если сказать, ежемесячно проводятся различные спортивные соревнования среди военнослужащих. Не был исключением и канун Нового года.

Как и предполагалось, под занавес уходящего года в полуфинале «схлестнулись» команды «Омад» из СВВАКИУ и «Фазогир» — ДВВАУ. Перед началом соревнований даже опытные судьи не могли отдать той или другой команде свое предпочтение, так как шансы были равными. И обе команды предварительные встречи побеждали уверенно и красиво.

Итак, все по порядку.

Соревнования проходили по пяти номинациям: упражнения на перекладине, перетягивание каната, мастерство, сила (по армрестлингу), боевая подготовка.

В первой номинации от каждой команды участвовали по пять человек. Необходимо было выполнить на время такие упражнения: пять раз выход силой, шесть раз подъем с переворотом, десять раз подтягивание на перекладине, десять раз поднос носков ног к перекладине в положении вис и три раза склепку. За 1 минуту 15 секунд удалось «Омаду» качественно выполнить все упражнения на перекладине. А «Фазогир» завершил их за 1 минуту 26 секунд. Так, «Омад» первый поединок победил со счетом 9:6.

Казалось, во втором поединке по перетягиванию каната, где от каждой команды участвовали по восемь человек, самаркандцы вновь закрепят свой успех. Тем более что по всему было видно, они намного физически крепче и выносливее. Но допустили тактическую ошибку: после стартовой команды у них не было синхронности по перетягиванию каната. Джизакцы, наоборот, построили грамотную тактическую борьбу. И им удалось вырвать победу (4:2) и сократить разрыв в счете — 11:10.

Думается, здесь стоит отметить представителей ДВВАУ курсантов Сохиба Кенжаева, Дилшода Низомова, Мурода Сирожиддинова, Фархода Шарипова, Жахонгира Эргашева, сумевших правильно и грамотно организовать тактику в данном поединке.

В следующем этапе конкурса, где курсантам необходимо было продемонстрировать свое мастерство во время исполнения таких упражнений, как залезание на канат, преодоление полосы препятствий, стрельба из пневматического оружия, победу вновь одержала команда «Омад» и записала в свой актив еще 10 баллов, «Фазогир» — 7 баллов.

В соревнованиях по армрестлингу противостояние «Омада» и «Фазогира» выглядело таким образом: младший сержант Сардор Закиров — курсант Дониёр Авезов, младший сержант Жасур Суюнов — курсант Сардор Абдуразхоков, курсант Рефат Алиев — курсант Зариф Турдиев, курсант Шербек Ганиев — курсант Гайрат Эшмонов, курсант Хусан Исоков — курсант Бахром Юлдашев. Заветные победные очки зарабатывала то одна, то другая сторона. После четырех встреч счет был равным — 4:4. В решающим поединке между курсантами Хусаном Исоковым и Бахромом Юлдашевым победную точку поставил первый. И по армрестлингу «Омад» вновь вырвался вперед — 6:4.

В последнем этапе соревнований курсанты военных училищ должны были продемонстрировать свою боевую подготовленность. Удача снова улыбнулась команде «Омад» из СВВАКИУ. В этой номинации весомый успех «Омаду» принесли младший сержант Сададин Раджабов, курсанты Санжар Джаббаров, Жасур Абдувахидов, Нодир Турсунов и Бекзод Махмараимов.

Таким образом, «Омад», одержав убедительную победу со счетом 37:28, стал вторым финалистом телевизионного спортивно-эстафетного конкурса «Шижоат майдони».

14 января, в День защитников Родины, состоится финальная встреча между командами «Омад» из СВВАКИУ и «Лочин» из ТУИТ.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**
**Фото Камолиддина ТУРАЕВА.**

Атлетический клуб будущего воина

## АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА — ЭТО СИЛА

### РАЗВИВАЕМ МЫШЦЫ ПЛЕЧЕВОГО ПОЯСА, ГРУДИ, СГИБАТЕЛЕЙ И РАЗГИБАТЕЛЕЙ РУК

Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых в стороны руках, ладони снизу. Одновременно (1) или попеременно (2) согнуть руки к плечам — вдох, в исходное положение — выдох. То же — ладони сверху.

Исходное положение: лежа на спине на скамейке или на полу, гантели в согнутых руках у плеч (3). Попеременно (4) или одновременно (5) поднять гантели вверх — вдох, в исходное положение — выдох.

Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых в стороны руках (6). Встречное вращение прямых рук в плечевых суставах (7). Дыхание произвольное.






| Yanvar | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Se | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ch | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Pa | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ju | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Sh | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ya | 4 | 11 | 18 | 25 | |

| Fevral | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 2 | 9 | 16 | 23 |
| Se | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Ch | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Pa | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ju | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Sh | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ya | 1 | 8 | 15 | 22 | |

| Mart | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Se | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ch | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Pa | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ju | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Sh | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ya | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

| Aprel | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Se | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ch | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Pa | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ju | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Sh | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ya | 5 | 12 | 19 | 26 | |

| May | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Se | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ch | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Pa | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ju | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Sh | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ya | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |

| Iyun | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Se | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ch | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Pa | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ju | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Sh | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ya | 7 | 14 | 21 | 28 | |

| Iyul | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Se | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ch | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Pa | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ju | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Sh | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ya | 5 | 12 | 19 | 26 | |

| Avgust | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Se | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ch | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Pa | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ju | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Sh | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Ya | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |

| Sentyabr | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Se | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ch | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Pa | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ju | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Sh | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ya | 6 | 13 | 20 | 27 | |

| Oktyabr | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Se | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ch | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Pa | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ju | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Sh | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ya | 4 | 11 | 18 | 25 | |

| Noyabr | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Se | | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ch | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Pa | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ju | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Sh | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ya | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

| Dekabr | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Du | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Se | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ch | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Pa | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ju | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Sh | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ya | 6 | 13 | 20 | 27 | |




## 2008–2009 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ШИОРИ:

**«Юксак ватанпарварлик, жанговар малака ва профессионал тайёргарлик, қурол ва ҳарбий техникани моҳирона эгаллаш, уларни қатъий ҳарбий интизомни мустаҳкамлаган ҳолда намунали ва қўллашга доимий шай ҳолатда сақлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи».**

## ДЕВИЗ 2008–2009 УЧЕБНОГО ГОДА:

**«Высокий патриотизм, боевая выучка и профессиональная подготовка, умелое владение оружием и техникой, содержание их в образцовом состоянии и постоянной готовности к действию при поддержании суровой воинской дисциплины – долг каждого военнослужащего».**

**ВАТАНПАРВАР**

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

**МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ХАМРОҚУЛОВ** – кенгаш раиси, **Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Баҳодир АЗИМОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ.**

**Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

**Телефонлар:** навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. **Факс:** 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Исламов ва З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

**Газета жума куни чиқади.** **Адади** 27100.

**Нашр кўрсаткичи** 114. **Буюртма** № J-6658.